ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1997 йил, 28 феврал, № 9 (3394)

Инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаш керак. Бу саъй-ҳаракатлар яхлит, умумлаштирилган тарзда олиб борилмоғи, бошқача айтганда, ҳар томонлама уйғун бўлмоғи лозим.

Ислом КАРИМОВ

Хиванинг 2500 йиллигига

УЗУН ТАШЛАНГАН ЗАНЖИР

Петр I саройида бўлган Хужа-Нафас Амударёнинг илгари Каспийга сув қуйган жойидан олтин сочмалари аралаш қум оққани, ўзбеклар русларнинг дарё билан хонликка осонгина кириб келишидан хавфсираб, уни Оролга буриб юборганлиги ва тўғонни бузиб дарёни яна Каспийга оқизиш мумкинлиги тўғрисида гапиради. Хива хонининг Петербургдаги элчиси Ашурбек бунга гувоҳлик беради. Ўша пайтда Петербургга келган Сибир ҳокими (воеводи) княз Гагарин ҳам Бухоронинг тиллали қуми тўғрисида хабар келтиради.

Бунгача ҳам Петр Iга Хива ва Бухоро хонликларининг табиий бойликлари ҳақида кўп гап аён эди. Милоддан илгари яшаган юнон тарихчиси Геродот ва Страбон асарларида Орол денгизидан Нурота тоғларига қадар кўчиб юрувчи массагетлар ихтиёрида мис ва олтиннинг ниҳоятда мўллиги тўғрисида, Хитой йилномаларида (V — VI асрлар) Кан (Самарқанд) ва унинг шарқий қисмида олтин конлари мавжудлиги тўғрисида ёзилган маълумотлар рус императорининг ўй-фикрини чулғаган ва Ўрта Осиёни ўзиники қилиб олиш ғояси Русия ҳукуматининг бош сиёсатига айланган эди.

Бу хабарлар Петр I нинг шарққа қизиқишини янада орттирди. Каспийдан Амударё орқали Ҳиндистонга қулай йўл очилиши мумкинлиги, шарқ мамлакатлари билан яқин алоқада бўлиш ва Ўрта Осиёда мустаҳкамланиб олиш хаёллари унга тинчлик бермайди. Бунинг учун эса биринчи навбатда Хивага борадиган қулай йўлларни ўрганиш ва қўлга киритиш зарур эди. Шу мақсадда гвардия капитани княз Александр Бекович-Черкасский бошчилигида Хива хонлигига Каспий орқали кетма-кет иккита экспедиция ташкил қилинди: 1714 йилда ташкил қилинган экспедиция олдига Хива ва Бухоро хонликлари тўғрисида маълумотлар йиғиш, Амударёнинг эски ўзанини қидириб топиш ва Каспий денгизининг шарқий қирғоқларини ўрганиш вазифаси

Давоми иккинчи бетда

Кўклам нафаси

ЭСТРАДАНИ СЕВАМИЗ, ЛЕКИН...

Ҳурматли таҳририят!

Мени қўшиқчилигимизда миллийлик масаласи анчадан буён ташвишга солиб келади. Айниқса, бугунги замонавий узбек эстрадаси куй-қўшиқларини тинглаганимда, бу соҳа миллийлик борасида боши берк кўчага кириб қолаётгандек туюлаверади.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз қўшиқлари ва ҳар бир давр кишисининг қизиқиш доираси бўлади. Шу маънода бугун эстрада ёшларимизнинг энг севимли қўшиқ жанри, десак хато қилмаймиз. Турли рок, поп гуруҳлар, якка эстрада хонандалари ниҳоятда кўпайиб кетгани ва уларнинг куйлаш усуллари хилма-хиллиги ҳам бежиз эмас. Лекин биз ёшларимизнинг қизиқиши экан, деб бир четда томошабин бўлиб туришимиз тўғри эмасга ўхшайди. Чунки ҳар қандай бошқа санъат тури каби ўзбек эстрадасида ҳам миллий руҳ яққол сезилиб туриши керак. Радио ёки телевидение орқали эрон, ҳинд, араб, турк эстрадаси берилса, дарҳол қайси миллатга мансублигини сезиб оламиз. Аммо ўзбек эстрадаси янграса, қайси халқнинг куйи эканлигини англолмай ҳайрон бўламиз. Фақат тилидан ажратиб олиш мумкин. Чунки бу қўшиқларнинг мусиқалари ниҳоятда қоришиқ. Хонандалар истаган шарқ халқлари куйларига узбекча шеърни солиб куйлайверадилар. Бу ўринда биз ҳали шеърларнинг савиясига тўхталаётганимиз йўқ. Бунинг ўзи алоҳида бир мавзу. Гап ҳозир фақат куй ҳақида кетяпти. Эҳтимол, бу ҳол кўпроқ мавжуд эстрада гуруҳларининг тажрибасизлиги оқибатидир. Унда нима учун бастакорларимиз мавжуд гуруҳлар ўз миллий услубини, йўналишини топиб олишига яқиндан кўмаклашмайдилар. Ахир, биз ҳам қўшиқ бошланишиданоқ ўзбек халқининг эстрада ашуласи эканини ҳис қилишни истаймиз.

Тўғри, бир неча истеъдодли композиторларимиз эсда қоларли қўшиқлар яратишга муваффақ бўлдилар. Лекин ҳозирги кўпгина гуруҳлар ўзлари куй ёзиб, ҳатто шеърини ҳам ўзлари тўқиб, ижод қилиб ётибдилар. Агар бу қўшиқларнинг савияси юқори бўлганда, ортиқча гап-сўзга ўрин қолмасди. Афсуски... Бу борада ҳозирча фақат Равшан Номозов ижодида миллийлик кўзга ташланади. У халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, яхшигина қўшиқлар яратишга муваффақ бўлди. Лекин бу эстрада қўшиқларида миллийликка ташланган дастлабки қадамлардир. Истеъдодли ёшларимизга бу борада тўғри йўл кўрсатиш ҳар биримизнинг, айниқса, мутахассисларнинг бурчи деб ўйлайман. Акс ҳолда, ўзбек миллий эстрадасининг жаҳон сари юз тутиши орқага сурилаверади.

Раъно ОДИЛОВА,
Самарқанд тиббиёт билим юрти ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муаллиф бугунги қўшиқчилик санъатимизнинг долзарб масаласини кўтарган. Ҳукуматнинг бу борада белгилаган муҳим тадбирлари ҳам санъатимиз савиясини юксак поғоналарга кўтаришни кўзда тутади. Шу мақсадда ташкил этилган «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг асосий вазифаларидан бири ёшлар ижодига, эстрада қўшиқчилик санъатига эътиборни кучайтиришдан иборат. Яқинда бир гуруҳ ёш ижрочилар янги асарларини санъат намояндалари ва мутахассислар ҳукмига ҳавола этди. Улар орасида мумтоз қўшиқларимизга ҳам, замонавий эстрада жанрига ҳам ихлос қўйган ижрочилар бор. Мутахассислар ёш ижрочиларнинг изланишларини муносиб баҳолаб, уларга зарур маслаҳат бердилар.

Миллий қўшиқчилигимиз, эстрада санъатимиз ривожидаги янги жараёнлардан умидимиз катта.

ОТУ УЛОҚ БУ ЁНДАН...

● Отларини уялтирган «Чавандоз»лар ва ҳисобдан адашган адашлар ● «Чойчақа»га кимлар шерик ёхуд Тошкенту Жарқўрғон ораси неча пуллик йўл? ● Оғунинг баҳоси, нафснинг давоси борми?

Халқимизнинг азалдан отга меҳри булакча. Боиси, от ақлли жонивор. Энг муҳими, унда юрак бор, садоқат бор, одамга эл бўлғулик одат бор. Буни Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом»да росмана исботлаб берган: асар қаҳрамони Зиёдулла кал умр бўйи отга меҳрибон дўст тутинади, унинг калтабинликлар қурбони бўлиб кетишига йўл қўймайди. Вақти келиб, от ҳам вафо билан жавоб қайтаради — ваҳшийларни қувиб солиб, эгасини ўлимдан сақлаб қолади. «Аё, Тарлон, — дейди Зиёдулла кал эгар устида ҳуш-беҳуш чайқалиб-чайқалиб бораркан, — сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим...»

Зеро, қиссада таърифланган отлар яхшиликни тушунадиган асл тулпорлардир. Улар ўзларига меҳр кўргазган кишиларни қалтис дамларда ёлғизлатиб ташлаб кетмайдилар. Ёзувчи тилга олган чавандозлар одамларга фақат яхшилик соғинадиган асл ўғлонлардир. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам эл-юртга ҳиёнат қилмайдилар, иймон - эътиқодларидан қайтмайдилар. Бироқ...

Китоб бошқа, ҳаёт бошқа экан. Орамизда халқ ризқига кўз олайтирувчилар ҳам, эзгулик рамзи отлардан қабиҳ мақсадларда фойдаланувчилар ҳам бисёр экан. «Отим бор қурамда, не ғамим бор буронда» деб юрган сурхонлик «чавандоз»лар Исмоил Мирзаев билан Эркин Халилов айнан шундайлар хилидан бўлиб чиқишди. Улар шу қишнинг узун кечалари бақамти ўтириб, маслаҳатни бир жойга қўйишди. Ўзларича жумҳуриятлараро «Мумай даромад» кўпкариси ўтказиш режасини тузишди. Шу асно узоқни кўзлаб, улоғу отни Узбекистондан, қоралиғу зотни Тожикистондан белгилашди. Пировардида, 1 февраль куни амалий ишга ўтишди. Бир неча отлардан иборат карвонга, оз эмас-кўп эмас, роппа-роса 3550 килограмм ун ортишди. Сўнгра ўнқир-чўнқир, пана-пасқам суқмоқлар бўйлаб имижимида йўлга тушишди. Лекин режани бироз хом қилган эканлар. Айниқса, баковул танлашда янглишган эканлар. Бу вазифани вилоят божхоначилари билан узунлик миршаблар холис ҳакам сифатида ўз зиммаларига олдилар. Карвон йўлини ногаҳонда тўсиб чиқиб, «кўпкари» тартиб-қоидаси қаерда, қай даражада бузилганини тушунтириб бердилар. Нуноқ «чавандоз»лар

Давоми иккинчи бетда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ – ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпоннинг Узбекистон маданияти ва адабиёти тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ва келажак авлодларга ўрнак бўлувчи фуқаролик жасоратини инобатга олиб ҳамда унинг адабий меросини халқимизга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини 1997 йилда мамлакатимизда кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилсин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда ўз тадбирларини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Узбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

адибнинг 100 йиллиги муносабати билан «Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди» мавзуида симпозиум ўтказиш;

1997—2000 йиллар давомида адибнинг «Тўла асарлар тўплами»ни тайёрлаш ва чоп этиш топширилсин.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда 1997 йил ноябр ойида Андижон шаҳрида Абдулҳамид Чўлпоннинг юбилей кечасини тайёрласин ва ўтказсин.

4. Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига Абдулҳамид Чўлпон асарлари асосида театр спектакллари ва адиб ҳақида адабий-бадиий композиция яратиш вазифаси юклатилсин.

5. Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Абдулҳамид Чўлпоннинг асарларини, у ҳақидаги хотиралар тўплами, рисолалар ва плакатларни юбилейга нашр этишни режалаштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Абдулҳамид Чўлпон юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигига тегишли идоралар ва ижодий уюшмалар билан биргаликда маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Андижон шаҳрида Абдулҳамид Чўлпон боғини яратиш, у ерда адибга ёдгорлик ўрнатиш ҳамда адиб яшаган ҳовлида унинг ўй-музейини ташкил этиш топширилсин.

8. Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, Марказий банк ҳузуридаги махсус ишлаб чиқариш корхонаси ва «Шарқ» концерни билан биргаликда Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпон сиймоси акс эттирилган почта маркалари, конвертлар ва открткалар чиқарсин.

9. «Узбеккино» давлат-акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарорига мувофиқ филмлар яратиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли филм яратсин.

10. «Узтелерадио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абдулҳамид Чўлпоннинг узбек халқи маданияти ривожига қўшган ҳиссаси аҳамиятини кенг ёритиш, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда адиб асарлари асосида теле ва видеофилмлар яратиш топширилсин.

11. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Абдулҳамид Чўлпон юбилейини ўтказиш харажатларини республика бюджетидан қопласин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 феврал.

Кўргазма залларида

РАССОМ ВА ТЕАТР

Тошкент иқтисод университетида Комрон-Шоҳ-Арт сервис фирмасининг санъат галереяси ташкил этилди. «Рассом ва театр» деб номланган бу кўргазмада тасвирий санъатнинг кенжа авлод бугунига мансуб рассомлар А. Нуриддинов, Г. Бойматов, Ш. Зокиров, Г. Дёргач, В. Ким, Л. Бойматова, Н. Хатуллаев, ҳайкалтарошлар Л. Нестерович, Б. Мухторов асарлари намойиш этилди.

Ҳар бир рассомнинг ўз услуби, мавзуи ва ҳеч кимга ўхшамайдиган ранглар дунёси бор. Шу маънода кўргазмада намойиш этилган асарларда янгиликка, ўзига хосликка интилиш сезилади. Кўргазма иштирокчилари янгича ранглар, кутилмаган образлар, манзаралар билан томошабинларни ҳайратга солишни истайдилар. Асарларда тасвирланган хийла мураккаб манзаралар, бир қарашда англаб етиш қийин бўлган воқеалар, ранглар, ўз-ўзидан томошабинни ранглар олами билан мулоқотга чорлайди. Бу асарлар узбек тасвирий санъатида кўзимиз ўрганиб кеттан оддий ва анъанавий йўлдан анча фарқ қилади.

А. Нуриддиновнинг «Севги олмаси», Ш. Зокировнинг «Ёлғизлик», Г. Бойматовнинг «Тонг», «Оқшом» ва бошқа асарлари мавзуси кенг қамровлилиги билан эътиборни тортади. Ижодкорларнинг асарлари қанчалик мураккаб куринмасин барибир уларда оддийлик, соддалик ва муҳими, томошабинни ўзига тортиб турувчи сирли самимийлик, ўтли жозиба бор. Г.Дергачнинг «Эквилибрист», А.Нуриддиновнинг «Тақинчоқ» асарларида, Л. Нестеровичнинг «Мусиқачи», Б. Мухторовнинг «Бансарт- № 1» ҳайкалларида ҳайрат ва хаёл билан бирга, ўзига хос фалсафа, чуқур мушоҳада, кенг мулоҳаза бор. Рассомлар асарларидаги оддийликнинг сири ҳам шунда бўлса керак.

Хуллас, бу кўргазма мухлисларни бетакрор ранглар оғушига етаклаб, чуқур ўй-мулоҳазаларга чорлайди.

Феруза АБДУРАҲИМОВА,
Санъат институти талабаси

«FAT-FAT» ҚИЛГАН КАРНАЙЧИ

кўнгилчак газетхонлардан хатлар

Яқинда бир танишим хуноби ошиб, уй-жойдан фойдаланиш тармоқлари ишидан нолиб қолди. Унинг ҳасратини эшитиб, даставвал у ерга шикоят қилиб боришга менинг ҳам оёгим тортмади: барибир фойдаси бўлмаса, нима кераги бор ўртиқча оворагарчиликнинг? Бўладиган йўлини ахтариш керак.

Лекин «Чиқмаган жондан умид» деганларидек, «Зора, бизнинг уйга қарашли идорада бундай ишлар бошқачароқ юритилса», деган ўйда, истар-истамас, Шайхонтоҳур туманидаги 7-турар-жой биноларидан фойдаланиш тармогига йўл олдим. Афсуски, остонадаёқ оёгим тортмаётгани бежиз эмаслигини ҳис этдим. Уй йўлагида бир-икки ишчи билан гаплашиб турган тармоқ инженери Ҳамдамовга мангзилимизни айтиб, уйимиз томидан чакка ўта бошлаганини тушунтирдим. Унинг жавоби шундай бўлди: «Қуриб турибсиз, ҳозир қиш, томда ишлашнинг ҳеч иложи йўқ. Бу ҳақда, яхшиси, баҳорда гаплашамиз».

Ҳайрон бўлиб, бошлиқнинг хонасига йўналдим. Тўғриси, у киши — Маҳкам Турсунбоев мени жуда яхши қабул қилди, арзимни тинглади. Фақат мен бундан хурсанд бўлиш ўрнига, чўчидим. Чунки баъзан бундай яхши муомала «Афсуски...» деб бошланувчи жумлалар билан тугашини билардим. Суҳбат сўнгида гумоним ҳақиқатга айланди. М. Турсунбоевнинг жавоби инженерникидан ҳам мужмалроқ бўлиб чиқди. Ҳарқалай, ростми-ёлғонми, инженер баҳорни ваъда қилганди. Бошлиқники акси бўлди.

Унинг айтишича, бизнинг уйимиз томини ёпиш учун бир ярим миллион сўм керак экан. Фойдаланиш тармоғи ҳисобида эса, ҳозир маблағ йўқ эмиш. Сабаби — аҳоли уй-жой ҳақини вақтида тўламай, уларни оғир аҳволга солиб қўяётган экан.

Эҳтимол, шундайдир, лекин бу ўринда биз — уй ҳақини вақтида тўлаётганларнинг айби нима? Бошлиқ "пул тўлашмаяпти", деб хонасида оҳ-воҳ чекиб ўтирганидан нима фойда? Ахир, бизга ўхшаб шикоят қилганлар руйхатида 18 та уйда яшовчи хонадонлар соҳиблари бор. Бизники ўн тўққизинчи бўлиб қоғозга тушди. Бу ёги қандай бўлади? Эрта-индин баҳорги ёгингарчиликлар бошлангач, аҳволимиз нима кечади? «Гат-гат» қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи»деган нақлни хиргойи қилиб ўтираверамизми?

Гулчеҳра УМАРОВА

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекрақс» бирлашмасини тузишга доир Фармони муносабати билан йиғилиш бўлди. Уни Маданият ишлари вазири Хайрулла Жураев очди. Йиғилишда «Узбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармон айни вақтда эълон қилинганлиги ва у миллий рақс санъатимиз ривожининг ойдин йўлларини белгилаб берганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сўзга чиққанлар Фармонда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирларга ҳам тўхталдилар. Узбек рақс санъатининг довруғини жаҳон қўламида кенг ёйиш учун зарур бўлган энг муҳим масалаларни тилга олдилар. «Узбекрақс» бирлашмаси раҳбари Юлдуз Исматова, унинг ўринбосари Рустам Султонов ва ижрочи директор Қобил Бердиевга ана шу йўлда катта муваффақият тиладилар.

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов иштирок этди.

Фотима ЖУМАЕВА

«МУТОЛАА ҚИЛМОҚҚА ШОШИЛИНГ»

(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1997 йил 10 январ)

●

Ўқувчилик пайтларимда мактаб ва шаҳар кутубхоналаридан китоблар олиб ўқирдим. Дуконлардан турли бежирим муқовали, қизиқарли китобчалар сотиб олардим. Уларни ўқиб бўлгач, дугоналаримга совға қилардим. Мактабни битириб кутубхоначи бўлиб ишга кирдим. Кутубхонамизда 40 мингта китоб бор. Ўқув залимиз дид билан безатилган. Бу ерда ҳар жума куни ўқувчилар тўпланишади, болаларга қизиқ-қизиқ китоблар ўқиб берамиз.

Ун минг аҳоли яшайдиган бизнинг Красногорск қўрғонимизда жами 6 та кутубхона мавжуд. Китобхонлар учун ҳамма шароит етарли. Уларнинг фақат битта камчилиги бор, у ҳам бўлса ўзбек тилидаги янги асарлар жуда озлигидир. Бу кимга боғлиқ? Назаримда, ҳаммага боғлиқ: раҳбарларга, кутубхоначиларга, китобхонларга! Шулардан бирортаси китобхонликка лоқайд қараса, иш ёнидан чиқиши аниқ.

Бизга шундоққина қўшни бўлган Номданак қишлоғида кутубхона чойхона билан битта бинода. Аниқроғи, чойхонанинг орқаси — кутубхона. Ёзда чойхўрларнинг аксарияти эркаклар бўлгани туфайли, аёллар кутубхонага яқин йўлашмайди. Қишда бўлса, хона совуқлигидан одам киргиси келмайди. Шунга ўхшаш майда ишкир-чикирлар китоб ва китобхон орасига тўғаноқ бўлмоқда.

Ҳавасхон СОДИҚОВА
Тошкент вилояти

●

— Ҳозир мактаб кутубхоналарига фақаттина дарсликлар келтирилаётир. Бадиий асарлар эса китоб бозорларида, дуконларда! Сабаби — ҳаммага аён...

Менимча, бунга кўп надомат чекиш шарт эмас! Чунки халқимизда арзон гўштнинг шўрваси татимас, деган гап бор. Болаларга ҳамма нарсани текин тайёрлаб берилаверса, удар буюмнинг қадрини унутишади, эртанги бозор иқтисодиёти шароитига тайёр авлод бўлиб шаклланмайди. Шунинг учун ҳам мен ҳар бир синфнинг ўз кутубхонаси бўлиши тарафдориман. Синфдошлар ойда бир марта ўзаро пул тўплашиб, янги китоблар сотиб олишсин, уни қўлма-қўл қилиб, навбатлашиб ўқишсин, асраб-авайлашсин! Ўшанда болалар бир-биридан қолмасликка ҳаракат қилишади, ҳам китобнинг қадрига етишади.

Ўринбой ЗАЙНИЕВ
Ўртут шаҳри

УЗУН ТАШЛАНГАН ЗАНЖИР

Боши биринчи бетда

юклатилди. 1716 йилда ташкил қилинган иккинчи экспедициянинг мақсади эса Красновод (Қизил сув), Бетирлиман қўрфазлари, Амударёнинг илгари Каспийга қуйилиш жойи яқинига ҳарбий истеҳкомлар қуриш эди.

Бековичнинг илк экспедициялари натижаларидан мамнун бўлган император Хивага янги, ҳал қилувчи экспедиция тайёрлади. 1717 йилнинг 20 июнида Бекович бошчилигидаги 7 замбарак билан қуролланган 3 минг аскардан иборат Ҳарбий-элчилик отряди Гуревдан Эмба истеҳкоми орқали қуруқликдан Хива томон йўл олди. Экспедиция олдида элчиликдан ташқари Хива ва Бухоро хонликларини ўзига қўшиб олишга ҳаракат қилиш ва хонликларга «Русия гвардиясини таклиф этиш» вазифаси юклатилган эди.

Лекин экспедиция барбод бўлиб, император кутганидек натижага эришилмади. Хива хони Шерғозихон экспедиция бошлиғи Бекович-Черкасский ва унинг отрядини осонлик билан қўлга олиб, уларни Хиванинг шимоли-ғарбида жойлашган Пурси қалъаси яқинида қириб ташлади. Экспедицияга катта умид боғлаб келган кўп князлар, дворянлар, савдогарлар ҳам қирилиб кетди. Экспедиция аъзоларининг жуда кам қисми зўрга омон қолиб ватанига қайтдилар. Омон қолганларнинг бир қисми эса хонликдаги қуллар сафига қўшилдилар. Шундай қилиб, Пётр I мақсадига эришолмасдан армонда қолди.

Хива хонлигига юборилган ҳарбий экспедициялар ва миссиялар зиммаларига хонликни Русияга тобе қилиш йўлларини излаш, Русия савдогарларининг хонлик ҳудудида эркин савдо қилиши ва уларни бож тўловларидан озод қилиш тадбирларини кўриш, Амударёда эркин сузиш ҳуқуқига эга бўлиш, хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва стратегик аҳволини ўрганиш, хонликда қуллик азобини чекаётган Русия фуқароларини озод қилиш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилган эди.

Бироқ катта маблағлар эвазига ташкил қилинган бу экспедиция ва миссиялар барбод бўлиб, улар олдига қўйилган вазифаларнинг бирортаси уддаланилмади. Лекин шунга қарамай, Русия мустамлакачилари Хивага режалаштирилган босқинчилик ниятларидан воз кечмадилар. Чунки бу ҳаракатлар гарчи кутилган натижани бермаган бўлса-да, экспедициялар баъзи бир ишларни амалга оширдиларки, улар Русия мустамлакачиларининг 1873 йилда хонликка қарши босқинчилик юришида дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, Хива хонлигининг умумий харитаси ва Амударё воҳасининг аҳоли яшайдиган ғарбий қисми тасвирланган махсус харита, хонликка борадиган ва унинг ичкарисидаги йўлларининг тасвири тайёрланди. Топографлар Хивага борадиган йўналишларни, йўл журналини тайёрладилар ва 3 минг верстгача масофани харитага туширдилар. Экспедициялар томонидан Амударё ҳам ўрганилиб, у Хивага ҳарбий юриш қилишда қулай сув йўли бўлиши мумкин, деб топилди.

Ниҳоят, бу тайёргарликлар якунланиб, 1872 йил бошида полковник Ломакин бошчилигидаги отряд Хива йўналиши бўйлаб кенг қўламда ҳарбий ҳаракатлар ўтказишга киришди.

Ҳа, Русия бу мустамлакачилик босқинига бир ярим асрдан ортиқроқ вақт ичида тайёргарлик кўрди.

1873 йилнинг баҳорида генерал Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши Пётр I бошлаб берган ва Русиянинг кейинги императорлари томонидан амалга оширилган экспедициялар, миссиялар сиёсатининг давомидир. Ҳамма урушларда бўлгани каби бу босқинчилик юришига ҳам арзимас бир баҳона туртки бўлди, яъни 1868 — 1870 йилларда Мангишлоқ қозоқлари томонидан асир олиниб, Хивага сотилган 21 нафар рус асирларини қайтариб бериш тўғрисида Кауфман юборган элчига Хива хони рад жавоби берди. Бу кўпдан бери хиваликларни жангга тортолмай юрган рус зобитлари учун айни муддао бўлди.

Босқинчилар армияси 1873 йилнинг 29 майида хонлик пойтахти Хивани забт этдилар. Июл ойининг бошларида эса ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашаётган туркман уруғлари устига юриш қилиб, уларнинг элатларини ҳам қонга ботирдилар.

Шундан сўнг Русия билан Хива хонлиги ўртасида сулҳ шартномаси тайёрланилди. Русия томонидан тақдим қилинган ва 1873 йил 12 августда Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ва Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфман имзолаган 18 банддан иборат бу сулҳ шартномасига кўра хонликнинг барча эрк-ихтиёри, ҳуқуқлари деярли

тўлалигича Русия ҳукумати измига ўтди.

Шартномага кўра Русия билан Хива хонлиги ўртасидаги чегара Амударё бўйлаб ўтказилди: дарёнинг ўнг томонида илгари хонликка тегишли ерларнинг бутуниси аҳолиси билан Русия ҳудудига ўтди. Натижада, Русиянинг чегараси жануб томон 300 мил сурилиб, хонликнинг 80 минг кв. мил ҳудуди Русияга қўшиб олинди. «Русия пароход ва кемаларининг Амударё бўйлаб эркин сузиши таъминланади», «Ўрта Осиёдаги олий Русия ҳокимиятидан алоҳида рухсат бўлган тақдирдагина Хива... кемалари ҳам бундай ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин», дейилади сулҳ шартномасида. Шунингдек, бу ҳужжатда Хива хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқлари Русия савдогарлари учун очиқлиги, улар хонликка тўланадиган закот ва савдогарларнинг бошқа хилдаги мажбуриятларидан озод қилиниши, Русия савдогарларига Хива ҳудуди орқали ўз молларини бошқа қўшни ерларга божсиз олиб ўтиш ҳуқуқи берилгани қайд этилди. Бу билан Хива хонлиги ташқи савдодан келадиган даромад манбаидан ҳам ажради.

Шу тариқа сулҳ шартлари хонликни қўл-оёғи занжирбанд кимсага айлантириб қўйди. Шартномада Хиванинг ҳуқуқлари Русия қўлига топшириб қўйилгани етмагандай, бу макон ажнабийлар оёғи остига ташлаб берилди: «Русия фуқароларига хонлик ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ҳам берилади», дейилди шартномада. Ўзбекистон марказий Давлат архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, рус фуқаролари ҳар хил йўллар билан хонликдан минглаб, ўн минглаб, юз минглаб таноб ер майдонларини эгаллашга, сув чиқарадиган машиналар (насос), ўнлаб пахта ва ёғ заводлари, савдо ва бошқа кўплаб ҳар хил корхоналар қуришга, банклар ташкил этишга эришдилар.

Кўчмас мулклар мазкур корхона эгаларини бойитиш билан бирга хонликда уларнинг мустамлакачилик тизимининг илдиз отиб, мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Сулҳ шартномасида Хива хонлигига қарши олиб



борилган урушдаги Русия хазинасидан кетган сарф-харажатларни қоплаш учун Хива хонлигига 2 миллион 200 минг сўм миқдорида, йилига 5 фоиз устама билан 20 йил муддатга (1893 йил 1 ноябрга) товон белгиланганлиги эса мазкур ҳужжатнинг хонлик бўйнига сиртмоқ бўлиб тушганидан далолатдир. Мазкур ҳужжат тарихда Гандимён шартномаси деб юритилади. У Хива хонлигини Русия мустамлакачилигини эътироф этиш тарзида битилган. Фақат бир банди нисбатан одилона мазмун касб этган. Яъни, хонликда қулчиликни тугатиш ва барча қулларни озод қилиш тўғрисида Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг 12 июндаги (1873) фармони мазкур сулҳ шартномасининг 17-банди билан тасдиқланди.

Шундай қилиб, Русия билан Хива хонлиги орасида имзоланган сулҳ шартномасига кўра хонлик Русияга қўшиб олинмади, унинг мустамлакаси деб қайд этилмади. Лекин шартномада қўйилган талаблар ва уларнинг амалга оширилганлиги Хивани мустамлака мамлакатлар аҳволидан оғирроқ ҳолга солди. Зеро, Русия учун мустамлакачиликнинг бундай усули қулайроқ эди. Чунки мамлакатни идора қилиш, аҳолининг барча талабларига, эътирозларига, аҳоли орасидаги ўзаро низоларга юзма-юз туриш; хонликдаги Русия фуқароларининг осойишталигини ва уларнинг турли-туман мулклари дахлсизлигини муҳофаза қилиш хон зиммасига юклатилган эди.

Умуман, сулҳ шартномаси фақатгина Русия манфаатини кўзлаб битилган бўлиб, Хива хонлигида мустамлака тузумини ўрнатишга ва уни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шу тариқа генерал Кауфман қўли билан Пётр I ва унинг издошлари 156 йил орзу қилган, жон-жаҳди билан талпинган Амударё қумлари аро ёйилган сочма олтинлар йўли Русия хазинаси томон буриб юборилди.

Хивалик жангчилар Русия мустамлакачиларининг босқинчилик юришига қарши довюраклик қилган бўлсалар-да, мағлубиятга учрадилар, Хонлик навкарларининг мудофаа қурол-аслаҳалари асосан ўрта аср даврига мансуб бўлиб, душманнинг замонавий қуролланган армиясига бас келолмас эди. М.Алиханов-Аварский, Мак-Гахан ва А. Ботт асарларида қайд қилинишича, хон навкарларининг аксарияти пилтали милтиқлар, эгри қиличлар билан қуролланган эди.

Шундай қилиб, генерал Кауфман армиясининг Хива хонлигига босқинчилик ҳаракатлари Русия империясининг қудрати ҳамда хонликдаги ижтимоий-иқтисодий қолоқлик эвазига амалга оширилди.

Буларнинг барчаси ҳақиқат парчасидир. Зеро, томчида қуёш акс этади. Пётр Інинг армони 156 йилда рўёбга чиққан бўлса, шукурки, хиваликларнинг мустақил бўлиш армони 118 йилдан сўнг мустажоб бўлди. Халқимиз «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деган нақлни унутмаслигига ишонаман.

Отамурод ҚЎШЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди

РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ ЭДИ НОМИ...

Сайид Ризо Ализода Самарқанддаги матбаа ва матбуотнинг асосчиларидан бири эди. У 1905 йилдан эътиборан кенг қўламли — халқаро аҳамиятга молик журналист сифатида тан олинган. Профессор Ғайбулла ас-Саломнинг шаҳодат беришча, бу комил ва фозил инсон асримизнинг бошларидаёқ босмахонада оддий ҳарф терувчидан мактабдорликкача, муғаннийликдан муҳаррирликкача, луғатшуносликдан шоирликкача жуда кўп илму ҳунарни билган, ёрқин истеъдод соҳиби бўлиб танилган.

Сайид Ризо Ализоданинг илмий-оммабоп, публицистик мақолалари, шеърлари, фелетон ва памфлетлари «Туркистон хабарлари», «Бухорои Шариф», «Турон», «Самарқанд», «Телеграф хабарлари», «Шарқ», «Ҳуррият», «Меҳнаткашлар товуши», «Овози тожик», «Голос Самарканда», «Пролетар», «Зарафшон», «Камбағаллар уқи» рўзномаларида, «Ойна», «Машраб», «Мулла мушфиқий» ойномаларида, қолаверса, Эронда чоп этиладиган «Тарбият», Туркиядаги «Оқшом», Мисрдаги «Чеҳранамо», Ҳиндистондаги «Ҳаблул матун» каби нуфузли матбуот нашрларида, унинг ўзи асос солган Самарқанддаги биринчи ойнома — «Шуълаи инқилоб»да чоп этиб борилган.

Кейинги 30-35 йил ичида Сайид Ризо Ализоданинг ҳаёти ва бой ижодий мероси хусусида икки рисола, ўнлаб мақолалар эълон қилинди, юзга яқин мақола ва тақризларда эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Изланишлар туфайли унинг 500 дан ортиқ асари собиқ СССР ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли кутубхоналарида сақланаётганлиги аён бўлди.

Сайид Ризо Ализода «Низомнома», «Қалам аҳилларига даъват», «Рисолатул Иттиҳодия», «Дин вожиблари», «Моросилот», «Ислом маданияти» каби фундаментал тадқиқотлари, 1917-1920 йилларда ўзбек ва тожик мактаблари учун тартиб этилган «Алифбе» китоблари, икки қисмдан иборат «Тожик тили грамматикаси», икки жилдли «Русча-тожикча мукаммал луғат, «Саодат асри» романи, ўша даврнинг долзарб муаммоларини ёритиб берган мақолалари, қиқоялари, шеърий асарлари, серқирра таржимонлик фаолияти, маърифат дарғаси сифатидаги хизматлари билан машҳур бўлган. Қолаверса, 12 тилни мукаммал билган бу инсон 1933-37 йиллар давомида университетимизда араб, форс тилларидан дарс бериб, юксак малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этган.

ЁДНОМА

Афсуски, мана шундай йирик қомусий олим, адиб, ношир ва таржимон ким эканлигини кўпчилик билмайди. Сабаби, Сайид Ризо Ализода ҳам А. Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби халқимизнинг асл фарзандлари қаторида 30-йиллар қатағонининг қурбони бўлган. Кейинчалик эса турғунлик йилларининг беэътиборликлари туфайли ҳаёт йўли ва бой ижодий меросини ўрганиш «унутилган», бой кутубхонаси талон-тарож қилинган, баъзи бир асарлари, хусусан, таржима асарлари нопок кимсалар томонидан ўзлаштирилган.

Таскин шуки, бу хокисор, беғубор ва улуғвор инсоннинг муносиб вориси — унинг бой ижодий меросининг посбони, невараси Фарҳод Тоғаевич Ализода 35 йил давомида бобосининг шарафли номи ва ижодий меросини тиклаш йўлида заҳмат чекди. Рўшнолик бор экан дунёда. Бугун буюк юртдошимиз ва устози аввал Сайид Ризо Ализода ўзининг иккинчи умрини яшаяпти.

Шукурким, Узбекистон Республикасининг истиқлол йўли, Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсат бобидаги донолиги туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллаб турибди. Мустақиллик боис Сайид Ризо Ализоданинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш, унинг ижод дурдоналарини ёш авлодга етказиш имконияти яратилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йили Самарқанд вилояти ҳокимининг фармойиши билан Темирйўл туманидаги 14-ўрта мактаб ҳовлисида унинг бюсти ўрнатилди. Алломанинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи кўргазма зали ташкил қилинди, таваллудининг 105 йиллиги кенг нишонланди. ТошДУ кафедраси мудири, профессор Ғайбулла ас-Салом бошчилигидаги илмий мактаб Сайид Ризо Ализоданинг ҳаёт йўли ва ижодий меросини тўла тиклашга жиддий киришди. Хусусан, ушбу олимнинг Сайид Ризо Ализода ҳақидаги «Уни Оғо» дер эдилар», «Ассалом аҳли замона...», «Мовароуннаҳр фарзанди» каби туркум мақолалари, «Уз вақтида ўқилмаган марсия», «Эй, Метин қалб...» каби шеърлари, С.Ҳайитов ва М. Муқимовларнинг «Аламли йилларнинг сўнгсиз гувоҳи» очерки сўнгги йилларга республикамизнинг турли рўзномаларида эълон қилинди.

1991 йилнинг айни баҳор чоғида БМТнинг ЮНЕСКО бўлими ташаббуси билан ташкил қилинган «Буюк ипак йўли» халқаро илмий экспедицияси Самарқандга ҳам ташриф буюрганида, биз теҳронлик олим — доктор Носир Такмил Ҳумоюн билан танишиб, уни ҳамкорликка даъват этган эдик. Шундан сўнг бу қадимшунос олим Самарқандга қайта келиб, биздаги Сайид Ризо Ализоданинг ҳаёти ва ижодига доир материаллар билан танишди. Эронга қайтиб боргач, бир йил давомида нуфузли кутубхоналардан Сайид Ризо Ализода ҳақидаги материалларни, унинг асарларини қидириб, ализодалар сулоласининг Машҳад шаҳрида истиқомат қилувчи авлодларини топиб, улар билан яқиндан танишиб, нуфузли ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий ойномалардан бири — «Тарих ва маданият» журналида 45 саҳифадан иборат катта мақола эълон қилди. «Ўрта Осиёнинг курашчан олими» деб номланган ушбу мақолада биз учун янги ва қизиқарли фактлар учрайди. Ижодий-илмий меросининг аҳамияти, хизматлари ишонарли фактлар, фото ва бошқа ҳужжатлар асосида ёритиб берилган. Муаллиф Сайид Ризо Ализода асримизнинг 20-йилларида ўзи асос солган ва бош муҳаррир бўлган «Шуълаи инқилоб» ҳафталик мажалласида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни холисона ёритиб борганлигини қайд этиб, унинг «Инглизлар ва ислом дунёси» ҳамда «Туркистон — бизнинг Ватанимиз» мақолаларидан парча келтирган.

Маърифат дарғаси Сайид Ризо Ализода 1913 йилнинг 15 ноябрида «Ойна» журналининг 3-сонида босилган «Мактаб ва мадрасалар ислоҳоти зарур» сарлавҳали мақоласида афсус ва надомат билан «Ҳамма бу бадбахтликлару разолат: қашшоқлигу жаҳолат биз туркистонликларни қоплаб олиши сабаби замона мадрасаларини удуми ва мактабларини ситаму фақирлигидадур», деб ёзади. — Ҳамма басират арбобларига ошкор ва возеъдурким, ҳар бир миллат ва ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сиёсатининг равнақи ва ислоҳотига боғлиқдир».

Салоҳиддин ҲАЙИТОВ,
Алишер Навоий номидаги СамДУ доценти

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

ОТУ УЛОҚ БУ ЁНДАН...

Боши биринчи бетда

бунинг эвазига атиги 1200 сўмдан «ҳақ» тулашди. Яна тавбаларига таяниб, чегараданоқ изларига қайтишди. Шундай қилиб, аввал-бошдагидек, солим у ёнда, улоқ бу ёнда қолди. Ўрта ичида икки ўртоқ шарманда бўлиб, отларию эл-улус олдида ёмон уятга қолди.

Бундай кўргулик «Ташмачилар пойгаси» иштирокчилари Муҳаммад Абдуллаев билан Эргаш Болтаевларнинг ёзуғида ҳам бор экан. Ҳолбуки, уларнинг ниятлари «холис» эди. Бор-йўғи етти ёт бегоналарга намунали техник хизмат кўрсатиб, шу баҳонада озгина чойчақа ишлаш эди. Охир-оқибатда эса ўғриларга шерик деган ном олишди. Нега дейсизми? Марҳамат, эшитинг.

Муҳаммад тожикистонлик тижоратчи-меҳмон Қодирали Мирзоев хизматига ёлланади. Мижози Жарқўрғон туманидаги деҳқон бозоридан 58 минг 500 сўмга сотиб олган 1950 килограмм унни 20 январ куни ўз бошқарувидаги 54-05 СДМ рақамли «КамАЗ»га ортиб, йўлга шайланади. Лекин манзилга етиб боролмайди. 6- «Гулбаҳор» божхона постида қўлга тушиб қолади.

Давлат рақами 00-62 СДМ бўлган «КамАЗ» ҳайдовчиси Эргашбой эса сафар доирасини анча кенгроқ олади. Тожикистоннинг Конибодом туманига қарашли Х. Қурбонов номидаги жамоа хўжалиги иш бошқарувчиси Норқул Чориевнинг ҳужатини чиқаришга астойдил бел боғлайди. Норқул Тошкентнинг «Отчопар»идан юклаган 2 тонна унни Жарқўрғонгача қилт этмасдан етказиб келгач, машина рулини чапдастлик билан Н. Боймуродов номидаги жамоа хўжалиги орқали ўтувчи хилват дала йўлига буради. Бироқ ҳаял ўтмай 18-ҳаракатдаги божхона пости назоратчиларининг тезкорлигига тан беради.

Шу ўринда иккита ҳақли савол туғилиши табиий:

Биринчиси — давлат белгиларига эътибор берган бўлсангиз, сезгандирсиз: М. Абдуллаев ва Э. Болтаевлар бошқарувидаги юк автомобиллари хусусий эмас. Текширувда аниқланишича, улардан дастлабкиси Шўрчидаги «Туркистон» кичик корхонасига, кейингиси эса Термиздаги 13-автохўжаликка қарашли. Модомики, шундай экан, бу жамоа раҳбарлари ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ниҳоятда қимматлашиб кетган бир вақтда қаёққа қарашяпти? Нима учун бугун бошли «КамАЗ»ларни икки-уч кунлаб ташмачилик йўлида фойдаланиш учун саёқ ҳайдовчилар ихтиёрига бериб қўйибдилар? Мантиқан олганда, улар «Сиздан ўгина, биздан бўгина» қабилида зимдан иш юритмаяптимиканлар? Шоферлар топиб келадиган «чойчақа»га қандайдир даражада ўзлари ҳам шерик бўлмаяптилармикан? Акс ҳолда, корхона ҳисобидан эркатойларга ҳотамтойлик кўрсатишларининг сабаби нима?

Иккинчиси — биласиз, Тошкент билан Жарқўрғон ораси озмунча йўл эмас. Уни юк машинасида босиб ўтиш учун камида бир кун керак. Шу масофа, шу вақт ичида наҳотки бирорта йўл назоратчиси ўғирлик мол ортилган машинани тўхтатиб кўрмаган, лоақал сезмаган-билмаган бўлса? Ундай десак, ДАН ходимлари ўз ўринларида кеча-кундуз ҳамиша сергак-ҳушёр турадилар-ку. Айтайлик, ҳалол пешона тери билан етиштирган маҳсулотини транспорт ёллаб, бозорга олиб бораётган оддий деҳқонни кўпинча ҳуда-беҳудага тўхтатиб, минг бир синову чиғириқдан ўтказишдан эринмайдилар-ку. Наҳотки, бу сафар ўзга юрт кишиси олдида меҳмоннавозлик кўрсаттан бўлсалар? Ёки ҳаммасига одатдагидек яна пул балогардонми?

Бунисини билмадик, фақат бир нарса аниқ: халқимиз беқорга «Узинга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», демайди. Бу аслида «Бирор нарсангни ўзгалар ўмариб кетса, аввало ўз бепарволигингу, лоқайдлигингдан кўр», дегани бўлади. Масалага шу жиҳатдан қарасак, товар-моддий бойликларимизни ташиб кетишга уринаётган чет элликлар ёлғиз эмасликларига амин бўламиз. Уларнинг шериклари ва ҳомийлари аксарият ҳолларда, юқорида ўқиганингиздек, ўз ҳамюртларимиз бўлиб чиқишади. Бундайлар Тошкент «Отчопар»идаги баъзи пултопару виждонсотарлар орасида ҳам талайгина. Уларни икки дунёда ҳам мижозининг кимлиги қизиқтирмайди. Муҳими, харидор бўлсаю пул берса, така бўлсаю сут берса, бас. Қолгани чикора! Табиийки, бундан хорижлик бизнесмен - тижоратчилар унумли фойдаланадилар. Худди 24 январ куни «Тошкент — Иркутск» поездида 2,5 тонна куритилган сут билан қўлга тушган Россия фуқароси, Нижнеудинск шаҳар солиқ идораси ходимаси Замирахон Воҳидовага ўхшаб гардкамига кўтара савдо қилиб кетаверадилар.

Сир эмас, ҳозир жумҳуриятимизда маъдан ўғитлари анча танқис. Шунга кўра, нархи ҳам баланд. Кимлар учун эса улар мўмай даромад манбаига айланиб қолган. Бўлмаса, тожикистонлик Хўжанберди Пирзайлов ва Абдулохут Чоршанбиевлар 11 тонна 50 килограмм азот ўғитини қаердан олардилар? Ёки Қизириқда ва Шўрчида маъдан ўғити ишлаб чиқарадиган бирор хусусий корхона борми? Хайриятки, бу қонунбузарликдан божхоначилар ўз вақтида хабар топишди. 23 январда Жарқўрғон тумани далаларида ўтказилган тезкор тадбир натижасида ўғирланган ўғит ортилган икки автоулов ортига қайтарилди.

Ҳамюртимиз Хидир Равшанов «Узбеккимёсаноат» ҳиссадорлик жамияти омборидан 157 қоп — жами 7 тоннаю 850 килограмм селитра сотиб олиб, уни Туркманистонда пулламоқчи бўлган экан. Шу мақсадда 30 январ куни 40-00 КФЗ рақамли «КамАЗ» ҳайдовчиси Усмон Жўраев билан оғзаки шартнома тузиб, йўлга отланган. Унинг «тижорат» сафарига қашқадарёлик божхоначилар қатъий чек қўйдилар.

Ташмачилар сафида тарихий- маданий, бадиий ёдгорликлар, осори атиқалар «ихлосмандлари» ҳам кўп учраб туради. Улар, қандай бўлмасин, арзимас пул эвазига лақмалар кўнглини овлаб, бебаҳо мулкка эга чиқиш пайида бўладилар. Бу борада Туркманистоннинг Губадаг туманидаги Жданов жамоа хўжалиги ижарачиси Ботир Тиркешев ва шу тумандаги «Гурт» фирмаси директори Жумандурди Оразмуродов анча бой тажриба тўплаган кўринадилар. Улар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрга дахлдор, бугунги қиймати 9 минг долларлик 7 хил ноёб қоп, хуржун ва гиламларни олиб, 5 феврал куни Москвага учмоқчи бўлган эканлар. Қорақалпоғистон Республикасининг контрабандага ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлимлари ҳамда божхона хизмати ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли Нукус аэропортидаёқ уларнинг сафарлари қариди. Эндиликда улар бу ноёб ёдгорликларни қачон, қаердан, кимдан ва қанчага сотиб олганликларини бафуржа сўзлаб бериш имконига эга бўлдилар.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳозир «Қора бозор»да АҚШ долларининг мавқеи баланд. Шунга кўра тижоратчи - олибсотарлар, ҳатто порахўрлар ҳам кўпинча шу валюта билан муомала қилиш йўлига ўтиб олишган. Буни покистонлик адашлар — Муҳаммад Аҳмад ва Муҳаммад Ижодхон орқаворотдан эшитган чиқарлар-ов. Ҳарқалай, икковлон Узбекистонга келаётиб, ёнларига ортиқча 8 минг 200 доллар солиб олишди. Қарангки, шундан 3400 доллари божхона баённомасида мутлақо кўрсатилмаган, 4800 доллари эса қалбаки экан. Бу «валюта операцияси»га Тошкент аэропортида барҳам берилди.

Пулдан пул тўғдиришни ўшлик Арофатхон Акрамова, тошкентлик Рихсинисо Каримова, андижонлик Алишер Шамсиддиновлар ҳам эплай олмадилар. Изма-из чет элга кетаётган иккита сайёҳлар автобуси «Олот» божхонасида назоратдан ўтказилаётганда Арофатхоннинг чўнтагида божхона ҳужжатларида кўрсатилмаган 9 минг 250, Рихсихоннинг сафар халтасида 18 минг 350 АҚШ доллари борлиги маълум бўлди. Алишерни эса Тошкентдан Москвага учмоқчи бўлган маҳали тўхтатишди. Кимсан, қонун-қоидани ҳаммадан яхши тушунадиган, «Кўҳинор» фирмасида директор муовини бўлиб ишлайдиган бу йигит 20 минг 700 долларни божхона назоратига тақдим этишни гўёки унутиб қўйган экан.

Энг муҳиш жиноятлардан бири, шубҳасиз, асримиз вабосига айланиб қолган гиёҳвандлик моддаларини тарқатишдир. Шу боис жаҳон миқёсида бу иллатга қарши кураш кучайтирилмоқда, жиддий жазо чоралари белгиланмоқда. Шунга қарамай, ўзгалар ҳаётини заҳарлаш ҳисобига бойишни кўзлаган айрим кимсалар ҳеч нарсадан тап тортмай, ўз фаолиятларини яширинча давом эттирмоқдалар. Бу борада айниқса темир йўл транспортидан кенг фойдаланмоқдалар. Улардан бири, гарчи тоғни урса талқон қилгудек куч-қувватга эга бўлса-да, ҳеч жойда ишламай, бекорчиҳўжа бўлиб юрган термизлик Абсамат Маметқуловдир. У 15 январ куни шаҳардаги «Интурист» меҳмонхонасига бориб, афғонистонлик нотаниш кишидан 4 минг сумга 4115 грамм қора дори сотиб олади. Сўнгра харидор излаб «Душанбе — Конибодом» поездига ўтиради. Утирадию, шу заҳотиёқ божхоначиларга рўбарў бўлади.

Орадан икки кун ўтгач, айнан шу йўналишдаги поездда яна бир оғуфуруш — тожикистонлик Сулаймон Маъсумовнинг ҳам сири фош этилди. Унинг ёнидан 12 килою 250 грамм опий топилди. Сулаймоннинг «земляги» Умаржон Атоев, тошкентлик Идмира Ускова эса героин савдоси билан шуғулланиб, москвалик мижозлари ҳуморига малҳам қўймоқчи бўлган эканлар. Афсус, улар ҳам муддаоларига эриша олмадилар. Бири 23 январ куни Тошкент аэрпортида, иккинчиси 7 февралда Душанбедан чиққан поезд Термизга етганда қўлларидаги маҳсулотни тегишли жойга топширдилар.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, божхона қонун-қоидаларини бузаётган кишилар турли миллат вакиллари ва турли мамлакатлар фуқаролари. Улар орасида ўзимизниклар ҳам бор. Бинобарин, қонунбузарликнинг катта-кичиги, жиноятнинг миллати бўлмайди. Лекин охир-оқибати, асорати битта — жамиятга моддий - иқтисодий, ахлоқий- маънавий зарар етказиш, кишилар тинчлигига, саломатлигига раҳна солиш. Биз буни унутмаслигимиз, ҳамиша ҳушёр бўлмоғимиз айни муддаодир.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси матбуот маркази бошлиғи,
Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

«Дерсен, Оллоҳёр, лутф айлаб...»

Сўфи Оллоҳёр номи, ижоди туркий ва бошқа кўплаб мусулмон халқлари орасида жуда машҳур бўлса-да, собиқ совет даври илмий адабиётларида унинг поэтик ижоди, хусусан, лирикаси ҳақида бирон-бир аниқ мулоҳаза айтилмади. Ваҳоланки, қадимда тузилган аксарият баёзларда унинг шеърларидан кўплаб намуналар учрайди. Бу ўринда Убайдулла Аламкашнинг «Баёзи Аламкаш» номли китобининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. 774 саҳифали, шахсий архивимиздаги бу баёздан Сўфи Оллоҳёрнинг 73 та ғазал, мухаммас, тарих жанридаги шеърлари ўрин олган.

Убайдулла Ислом ўғли — Аламкаш зўр ихлос билан шоирнинг 18 та ғазалига мухаммас ҳам боғлаган.

Сўфи Оллоҳёр илм ва бадиий ижод жабҳасига ўзигача бўлган туркий ва форсий тилдаги кўп асрлик бой адабиётни ҳамда Миёнкол водийсида яшаб ўтган соҳиби қаламлар ижодини чуқур ўрганиб, анъаналарини пухта ўзлаштириб кириб келди.

Шоирнинг қўлимиздаги аксарият шеърларида оддий ҳаётий муҳаббат тараннум этилади. Уларда қўлланилган бадиий-тасвирий воситалар ҳам анъанавий шеириятимиз талаблари, услуби доирасидадир:

Кўрк учун тушти зилоли лаъла мушкин хатту хол,
Тутти суҳбат Хизр ила Кавсар қирғоғинда ҳилол...

Наргиси мастинг ҳумори бодадин гулгунмудур,
Ё будурким лолазор ичра тушан ваҳши ғизол.

Яъни: Зилол лаъл-лабинг устида ҳусн бўлиб тушган мушкин хатту холинг, Кавсар ариғи қирғоғида суҳбат тутаётган Хизр ва янги ойни эслатади.

Бу байтда талмеҳ ва яширин ўхшатиш, шунингдек, мусалсал ташбеҳ санъатлари бир йўла маҳорат билан қўлланган. «Кавсар» сўзининг ботинида оби-ҳаёт маъноси ҳам яширинган.

Иккинчи байтда эса, юз лолазорга, бода хуморидан қизарган кўзлар ром этилмаган кийикка, бошқа бир санъат — билиб билмаслиқ усули билан муқояса этилади.

Шеърнинг бошқа бир байтида эса ирсоли масал санъати воситасида, шоир халқимизнинг гўзал қизларига хос ҳаё ва уятчанлик, ориятни оҳори тўкилмаган сатрларда бера олган:

Муддаийларни кўруб, қаҳр ила ёшургай юзин,
Эй кўзум, ул ора тушти, эмди юз кўрмак маҳол.

Байтда «юз» ва «юз кўрмак» ибораси орасида мутаносибликка эътибор берилиб, чиройли тажнис санъати юзага келтирилган.

Сўфи Оллоҳёр оддий ҳаётий ишқ мавзуида ёзилган баъзи шеърларида ўзининг ижтимоий мазмундаги фикрларини ҳам баён этади. Қуйида байтлар шоирнинг тақдир, замона ҳақидаги мулоҳазаларини акс эттириш билан бирга, маълум даражада, биографик аҳамиятга ҳам эга:

Ҳеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,
Бахти кажимни сўроғин берди Қоф арқосида.

Қўл сунуб олғунча тегди давр аёғи ўзгага,
Кўз юмуб очқунча умр ўтти жаҳон ғавғосида.

Билмадим ҳаргиз замона феъли қавлини рост,
Кўрмадим ҳасрат суйидин ўзга гардун тосида.

Шеърнинг охирги мисрасида, яъни мақтаъда шоир ўз аҳволи паришонлигини ёр сочи паришонлигига боғлаб, гўзал лирик хотима ясайди:

Дерсен, Оллоҳёр, лутф айлаб паришон бўлмагил,
Жам ўлурму хотирим гисуларинг савдосида.

Шоирнинг ғазалларида ер гўзалининг маънавий латофати ургу билан тасвир этилади. Уларда тасвирланган маҳбуба мавҳум бир санам бўлмай, ўзининг аниқ миллий мансублигига эга бўлган ўзбек-тожик қизларидир:

Сўфи Оллоҳёр мумтоз адабиётимизнинг мутафаккир вакили сифатида фалсафий-дидактик шеърият тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшган. Масалан, унинг қуйидаги шеърига назар солсак, унда насл-насаби номдор бўлмаган оддий ўзбек боласининг ширин тил, шоисга ахлоқ, камтарлик, саховатлик, бир сўзлилик каби инсоний хислатлари туфайли халқ ҳурматига эришганига гувоҳ бўламиз:

Феъли тожик, зоти ўзбекликда тураворсан.
Эгри абру, хол ҳинду, зулф ҳар су мушкбў,
Кўзи жоду кифриги отқу бало рафторсан.
Айдим: «Эй маҳ, сўзла зарра, бандани ҳоли табоҳ».
Ғамза бирла, шукр, Оллоҳ, деди: «Оллоҳёрсан».

* * *

Эй биродарлар, мани яхши демангдар зинҳор,
Зоҳирим сўфинамодур, ботиним кийну ниқор.
Шумлуғум, расволиғим тегди вилоят халқига,
Онинг учун тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр.
Бу сабабдин мухталит бўлдум ғариблар қавмига,
Қайси ҳолда ўлганимни билмасун хешу табор.
Бош уриб чиқтим тутуб аҳли таваккул доманин,
Асрагай шояд мани халқ айлаган парвардигор.
Ҳар биродар сўрса Оллоҳёр мискин ҳолини,
Айтингиз яхши дуодин кўз тутар бул дилфигор.

* * *

Хуш муносиб тушти хаттинг оразинг давросида,
Кўз керакким тўлин ой кўрса бу тун ўртосида,
Ҳеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,
Бахти кажимни сўроғин берди қоф арқосида.
Қўл сунуб олғунча тегди давр оёғи ўзгача
Кўз юмуб очғунча умр ўтти жаҳон ғавғосида
Билмадим ҳаргиз замона феъли қавлини рост,
Кўрмадим ҳасрат суйидин ўзга гардун тосида.
Дерсан, Оллоҳёр лутф айлаб, паришон ўлмагил,
Жам ўлурму хотир ул гисуларинг савдосида.
Кимдин сучук калом ила шойиста хў чиқар,
Будур, эшитмишамки, некудин неку чиқар.

Айтур хирад қулоғина ботарда офтоб,
Ким бунда пастлик билан ўтса, улу чиқар...

Навмед ўлурму бандаким раҳмат атосидин,
Ҳар дам нидойи ояти «ло тақнтуво» чиқар.

Оллоқулининг ўғлидин айлар таажжуб эл,
Ким: Ўзбек ўғли саъйидин бу рангу бў (й) чиқар.

Шоир ўзининг панд-насиҳат руҳидаги шеърларида тирикликнинг қадрига етишга, дунёда яхши кишиларга керак бўлиш учун яшашга, ўтар дунё ташвишлари учун ғам чекавермасликка чақиради.

Сўфи Оллоҳёр тасаввуфий мавзуда махсус шеърлар ҳам битиб, бу сулукни қабул қилиб, унинг муносиб вакили бўла олишнинг машаққатлари ҳақида ҳам фикр юритади. Унинг бундай шеърларини юксак рамз ва ўхшатишлари билан ўзбек бадиий тафаккурининг нодир намуналари қаторига киритиш мумкин:

Жон чекиб, ғусса ютиб, то жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўлуб, мушкулинг осон ўлмаз.

Бошини доша уруб, дона элакдин ўтмай,
Мушт емай, ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.

Эй йигит, маслаҳатинг билгали бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлук била паррон ўлмаз.

Роҳати банда қазосига ризо бермакдур,
Ҳар киши кўнглини жам этса паришон ўлмаз.

Ғами йўқтур киши оғритса бу Оллоқулининг,
Зарри холисни ушаттан била арзон ўлмаз.

Бу ғазалнинг матлаъсида мақсаднинг ҳосил, мушкулнинг осон бўлуви, жондан кечиб, ғусса ютиб, жигарни қон айлашдир, дея таъкидланган. Шундан сўнг шоир мазкур фикрнинг далил исботи учун мантиқан бир-биридан кучли ва оригинал тамсилий байтлар тизади. Зеро, дон тегирмон тошида янчилиб, элакдан ўтиб, «мушт емаса» ва ўтга солинмаса, у нон бўлмас.

Сўфи Оллоҳёр сўфийлик тариқати ҳақиқатларига чуқур ишонч билан қараган ва оқибатда унинг ўзи ҳам тариқатнинг атоқли шайхларидан бири сифатида халқимизнинг фалсафий-бадиий фикри тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У йирик шоир ва олим сифатида меҳнаткаш оммани ҳаёт кечиришга чақириб, катта обрў-эътибор топган, бутун ақли ва идроки, бутун борлиғи билан «бағри бирён, кўзлари гирён» худотарс кишиларга хизмат қилган:

Эй, хуш ул умре, ки ўтса бир неча шайдо билан,
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Аллоҳ билан.

Иноятулла СУВОНҚУЛОВ,
Самарқанд Давлат Чет тиллар институти,
Жаҳон адабиёти кафедрасининг доценти

Тадқиқот, ахборот

КЎНГИЛ ШЕЪРИЯТИ ВА ЎЙБЕК

Кўнгил — руҳнинг макони, руҳ — кўнгилнинг эгасидир. Сўз, хусусан, бадиий сўз, яъни адабиёт кўнгилнинг ноқис тилмочи, холос.

Қиш. Дарахтлар ялангоч. Улар ғуё заминнинг дуога очилган қўллари. Биз қор куттандик, бироқ ёмғир ёға бошлади. Кимнидир соғиниб ташқарига чиқамиз. Қиш бўлишига қарамай, ёмғирли кўчанинг бағрига сингамиз;

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар.
Томчилар томчилар сочимга,
Ёмғир ёғар шиғалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам
қувончимга.

Бизнинг эътиборимиз бир хилда шиғалаб, ғуё ўз тилида қандайдир қўшиқ куйлаётган ёмғирга тортилади:

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Мен унга очаман бағримни.
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Аста унутаман ёмғирни...
(Рауф ПАРФИ).

Биз энг арзанда, энг азиз меҳмонни кутган каби ёмғирга бағримизни очамиз ва шу пайт бағримиз (кўнглимиз)нинг ўзи биз учун очилади. Биз ёмғирни — ташқарида қолган кузатувчини унутамиз, у бизни қалбимизга бошлаб келган бир ҳамроҳ, бизни кўнгил дунёмиз билан боғлаган восита , холос. У бир гул ёки ҳатто бир тикон бўлиши мумкин. Муҳими бу эмас, балки биз учун очилган — ўз бағримиздир. Кўнгил адабиёти айнан шу ондан — ёмғирни унутиб қалбимизга назар ташлаган лаҳзаларимиздан бошланади. Чунки шу пайтда бизнинг теварак билан, нарса ва ҳодисалар билан, одамлар билан ва умуман, реал дунё билан алоқамиз узилади. Энди қаршимизда бошқа бир олам — кўнгил олами юз очади. Кўнгил санъатининг қароргоҳи ана шу — кейинги оламдадир.

Бу олам бадиият оламидир. Унинг моҳияти худди камалакнинг мазмунига ўхшайди, яъни кўриш, завқланиш, қувват олиш, ниҳоят идрок этиш мумкину бироқ уни ушлаш, бадан орқали ҳис қилиш имконсиз. Чунки бу олам руҳийдир, асло жисмоний эмас. У ҳам ўз қиёфасига эга, лекин биз қуниккан суратдан йироқ. Тўғрироғи, ундаги образлар сийратдан иборатдир.

ХХ аср испан файласуфи Гассет санъатнинг экспрессионизм, кубизм каби оқимлари ҳақида: «Улар нарсалар тасвиридан ғоянинг тасвирига ўтдилар: санъаткор ташқи олам учун кўр, у ўз кўз қорачиғини ичкарига қаратди...», деб ёзади. Кўз қорачиғини (яъни диққат эътиборини) ичкарига — кўнгилга қаратиш ва у ердаги оламни тадқиқ этиш кўнгил санъати (адабиет)нинг абадий вазифаси. Испан олими адабиётни Белинский сингари мафкуранинг тарғиботчиси сифатида эмас, балки кўнгил оламини англаш орқали ўзликни, умуман, инсонни, унинг имкониятларини идрок этувчи кашшофнинг нигоҳи ўлароқ тушунган. У ҳар бир ижодкорни ўз услубига эга бўлишга ундайди ва «услуб бу — инсон», деган фикр моҳиятидан сўз очади. Гассет ижодкор ўз услуби орқали ҳаётнинг биз қуниккан чегараларини кенгайтира олишига ишонади.

Аристотел «Поэтика»си шуни кўрсатадики, қадим даврларда ҳам санъат нозик тушунилган, талқин этилган. Бироқ унда зоҳирий ҳаракатлар, суратнинг тавсифлари, унинг ўхшашини яратиш марказий ўринда турса, ХХ асрга келиб, санъатнинг устивор объекти — инсоннинг ботиний олами, яъни кўнгил бўлди. Аслида, суратдан сийратга томон юриш бир-иккита санъаткор ё олимнинг эмас, балки башарият фитратидаги яшириН, лекин ҳамиша ўзини намоён этишга уриниб борувчи қувватнинг иши. Албатта, шахснинг жузъий иродаси эътироф этилади.

Шу ергача таърифини келтирганимиз адабиёт бизда мавжуд. Унинг илдизи бир қанча асрларнинг бағридан ўтиб, яна инсонга, унинг табиатига, қунглига бориб тақалади. Шунга кўра, биз мазкур адабиётни шартли равишда «Кўнгил адабиёти» деб атадик. У ҳатто собиқ совет даврида ҳам турли қуринишларда жон сақлади. Бу борада аввало Чўлпон шеъриятини эсламоқ жоиз. Чунки мазмун ва мавзу нуқтаи назаридан асосий қисми сиёсий-ижтимоий бўлган шоир поэзиясининг ўзаги айни пайтда кўнгил лирикаси ҳамдир. Чўлпонда ижтимоий дард — қўпнинг дарди шахсий дардга — кўнгил дардига айланган, субъективлашган. Ундан кейинги авлод — Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир каби шоирлар ижодиётида ҳам ижтимоий мавзунинг салмоғи катталигига қарамай, социал муаммолар Чўлпондаги даражада шахсийлашмаган, кўнгил шеъриятига айланмаган. Қолаверса, бу вақтга келиб, ижтимоий мавзу ўзил-кесил бир хил моҳият — шуровий мазмун касб этганди. Адабиёт, унинг энг ҳассос, индивидуал кечинмалар жанри — шеърият-да тобора мафкуралашган, шоирнинг «мен»и коллектив «мен»га қурбон қилинаёзган эди. Лекин буларнинг барчасига қарамай, адабиёт ўзининг бадиий мавзуи — инсонни, унинг кўнгил манзараларини акс эттиришдан бутунлай чалғиб кетмади. Чунончи, Ойбекнинг 20-ва айниқса, 30-йилларда ёзилган кўнгил шеърларини («Қишки оқшом», «Эрта баҳор», «Ёз кечаси», «Қора денгизга», «Қундуз», «Тонг», «Денгизда оқшом», «Оғочларнинг орасидан...», «Кузда», «Янги ой чиққанда...», «Бир ютум май каби», «Сен ғурубнинг олтин қулларидасен...», «Абадият ва умр», «Юрамен тошади севинчим», «Наъматак», «Олтин сепкилли қоп-қора кеча...», «Юлдузлар чаман-чаман» каби) олиш мумкин. Бу шеърларни шоирнинг ижтимоий поэзиясига нисбатан шартли равишда соф лирика, дейиш мумкин. Ўз вақтида Ойбек соф лирикаси учун қатиқ танқидга учраган, бадбинлик ва индивидуалистик кечинмаларни поэтиклаштиришга уринганликда айбланган.. Ҳолбуки, шоир шу шеърлари қатига ўз кўнглини, ундаги дардни тўкиб солганди. Ҳолбуки, Ойбек шу шеърлари билан бугун қаршимизда қайтадан қад ростламоқда! Назаримда, шоирнинг ХХ аср ўзбек адабиётидаги ҳақиқий мавқеини белгилаб берувчи асарлари ҳам унинг айнан кўнгил лирикасидир. Бу лириканинг моҳияти, аввало, шунда эдики, унда шоир ўз «мен»ини коллектив «мен»дан ажратиб олган. У дағал воқеликни эмас, ўзга бир воқеликни — кўнгил реаллигини яратишга уринган. Ойбек соф лирикасининг ифода усулида аср боши жаҳон санъатида муайян из қолдирган оқимкайфият — футуризмнинг таъсири сезилса-да, унинг моҳияти футуризмнинг мағзи билан кўпда чиқишавермайди. Аксинча, модернизмнинг бошқа йўналишларига хос моҳиятининг у ёки бу даражадаги қуринишларини Ойбекнинг кўнгил шеърларидан топиш мумкин.

Ойбек кунгил шеърларининг авж нуқтаси табиат лирикасидир. Чунки шоирнинг Ватан, Миллат, Ҳурлик, Тил, Қисмат, Тарих, Шахс борасидаги қараш-лари каби айрим ўзак қадриятлар-ла йўғрилиши зарур бўлган интеллекти, эҳтирос ва руҳи, кайфияти беихтиёр табиатга бағишланган асарларига қўшилиб оққан, табиатга муҳаббат, интилиш тарзида реалликка айланган, дейиш мумкин. Аслида табиат мавзуи ҳам бир баҳона-сабаб бўлиб, мақсад, Кўнгил, унинг теранликларига тушиш... Чунки адабиёт (умуман санъат) айни шу ерда, инсон билан, унинг илдизи билан боғланади. Назаримда, ХХI аср бўсағасини Ойбекнинг соф лирикаси каби ҳадиксиз босиб ўтаоладиган санъатнинг ҳам, у ҳақдаги илмнинг ҳам муҳим асосларидан бири — Бахт ва Бахтсизлик аро мўзтар Кўнгил титроғини нечоғли ўзида акс эттира билганлиги билан улчанса, ажаб эмас. Зеро, кўнгилга саёҳат инсонликка саёҳатдир.

Улуғбек АБДУЛВАҲОБ

Доимий ҳамроҳ

«ЎНГЛАНМАГАН ТАҚДИР ТАЛҚИНИ»

«Шарқ адабиёти тарихида ишқдан сўзламаган шоир ёки ёзувчи йўқ. Чунки сўз асли ишқдан яралади, ундан руҳ олади. Шоирлик — ишқпарастликдир, ошиқликдир. Ишқдан сўзлаган тил чарчамайди, ишққа очилган дил алдамайди». Ёш мунаққид Муртазо Қаршибойнинг «Камалак» нашриётида чоп этилган «Ўнгланмаган тақдир талқини» (Адабий-танқидий мақолалар) рисоласи ана шундай тушуниб, ҳис этиб айтилган мантиқли, асосли мулоҳазалар билан очилади. Тўпламдан муаллифнинг атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг бадиий маҳорати хусусидаги кузатишлари, адабиётимизда қизғин муносабат уйғотган шеърий ва насрий асарлар ҳақидаги ҳамда ёшлар шеъриятига доир айрим муаммолар билан боғлиқ мулоҳазалари баён этилган мақолалари жамланган.

М. Қаршибой миллий адабиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари, анъанавий насрнинг жозибали қирраларига доир қараш-ларини ишонарли тарзда далиллашга ҳаракат қилган.

«Ўнгланмаган тақдир талқини» 1000 нусхада нашр этилган. Китобга Равшан Файзий муҳаррирлик қилган.

«ТОНГ ЁҚАСИ»

Ёш шоир Бектемир Пирнафасовнинг «Тонг ёқаси» шеърлар тўплами ўтган йили «Ёзувчи» нашриётида чоп этилди. Тўпламга ёзилган аннотацияда, жумладан, шундай дейилган: «Бектемирнинг шеърларида ички-лик, Ишққа ички-ник бор... Соғинчларда ҳасрат, сукутида дил бедорлиги. Руҳнинг паришон товланишларида унсиз азобнинг шивирлари тукилади. Минг йиллик нафаснинг шивирлари...». Бундай таъриф бежиз айтилмаганига «Тонг ёқаси»га жамланган шеърлар ишончли далил бўла олади. Мисол учун:

Фаслдан адашган кунми бу,
Гулламоқ чоғими изҳор.
Ғунчангни кўзимга суртиб,
Кутдингми бедор-бедор.

«Тонг ёқаси» ёш шоирнинг илк шеърий мажмуаси. Шубҳасиз, ундаги шеърлар китобхонларда яхши таассурот қолдиради. Тўпламга З. Мирзаева муҳаррирлик қилган. Китоб 3000 нусхада чоп этилган.

ИККИ МУҲИМ ТУЗАТИШ

ХХ аср узбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фожиали ҳалокатидан кейин унинг эълон этилган асарлар тўпламларининг кўпчилигида икки хатога, яна ҳам аниқроғи, сохталаштиришга йўл қўйилган.

Бу хато ёки сохталаштиришнинг биринчиси «Яша, шуро!» номи билан машҳур бўлган қўшиққа оиддир. Узбек саҳнасининг машҳур арбобларидан Уйғур, Етим Бобожонов ва Сайфи Қори оғзидан биз, ушбу мақолага қўл қўйганлар, эшитганимизки, бу қўшиқ аслида «Яша, Турон!» деб аталган. Бу асар бир муддат умр кўрган ва сўнг қизил армия томонидан тор-мор этилган «Туркистон (ёки Қўқон) мухторияти»нинг барбод этилиши муносабати билан ёзилган бўлиб, аслида Туркистон халқларининг колониал зулмдан озод бўлишини мадҳ этган. Бу шеърнинг асл сарлавҳаси ўзгартирилган. Бу ўзгартиш ўша вақтда «Карл Маркс номидаги театр труппаси» деб аталмиш ижодий коллективнинг адабий эмакдоши бўлган шоир Чўлпон томонидан қилинган ва Ҳамза бундан хабардор бўлган. Бу шеърнинг аслида «Яша, Турон!» деб аталганини тасдиқловчи бир ҳужжат бизгача етиб келган. Бу — 1918 йилда ўтган концертлардан бирининг афишасидир. Унда ижро этиладиган қўшиқлар қаторида «Яша, Турон!» ҳам келтирилган.

«Шундай қолурму, қолурму?» қўшиғини эълон этишда ҳам шундай сохталикка йўл қўйилган. Бу қўшиқ матни 1919 йилда босилиб чиққан «Атиргул» тўпламига кирган бўлса ҳам, баъзи адабиётшунослар уни «1917 йил ўрталарида ёзилган», деб эълон этганлар. Бу билан шу шеърнинг мазмунини ғуё Октябр тўнтаришидан кейинги ҳаётга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатганлар.

Ҳар икки шеърнинг мазмуни билан таниш бўлган ҳар бир кишига тамом аёнки, бу шеърлар Ҳамзани «Октябр инқилобининг куйчиси» деб таърифлашга сира асос бўлмайди; ваҳоланки, шундай таъриф узоқ вақтгача адабиётшуносликдан ўрин олиб келди.

Бундан кейинги нашрларда ва Ҳамза ижодини тарғиб этиш чоғида шу вақтгача йўл қўйилган бу каби хато ва сохталаштиришларга барҳам берилиши зарур.

Иззат СУЛТОН,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси,
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Сўфи ОЛЛОҲЁР

ҒАЗАЛЛАР

Юз қамар, сўз мухтасар, хуршед бир дилдорсан,
Макка эъзозу Мадина файзи тавр анворсан.
Сўзи авла, феъли аъло, кони тамкину ҳаё
Ҳусни Юсуф, ёши Яҳё, лутфи Исоворсан,
Пистадин оғзинг кичикдур, сўзларинг жондин сучук,
Сўрмадинг ҳолинг нечукдур бона турлук ёрсан.
Соч суман, гулгун бадан ҳам лаб Бадахшон, тиш Яман,
Шиша кўнгул, гулжабин ҳар маслаҳатдин борсан.
Меҳри андак ҳам вафосиға жафоси нечалик,

ЗАМИН ВА ЗАМОН

Жараён

Наим КАРИМОВ

Ҳар бир миллий адабиёт, катта ё кичиклигидан қатъий назар, жаҳон адабиётининг ажралмас бир қисми. Яссавий ва Навоий, Муқимий ва Фурқат яшаган даврларда ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётига даҳлдор эканини англаш имкони бўлмаган. Лекин ХХ асрнинг бошларида нафақат Шарқ, балки Ғарб адабиётидан ҳам хабар топган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари ёзувчиларимиз ўзбек адабиётини, бугунги тил билан айтганда, жаҳон стандарти даражасига кўтаришга, жаҳон адабий жараёнининг ўзвий бир қисмига айлантиришга ҳаракат қилишган.

«Жаҳон адабиёти» тушунчаси нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган. Инглиз филологи Георг Форстер 1791 йили майдонга келган «Маҳаллий ва умумий таълим» асарида «шеърият санъатининг даҳоси туфайли ер юзига сочиб ташланган барча гулларни меҳр билан туплаш»ни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. У ана шу «гул»лардан бири — Калидасанинг «Шакунтала» драмасини инглиз тилига маҳорат билан таржима қиладики, бу таржима Оврупо мамлакатларидаги нафис санъат мухлисларида фавқулодда катта қизиқиш уйғотди. Форстернинг ана шу ижодий меҳнати, шунингдек, «Маҳаллий ва умумий таълим» асарида баён қилинган фикрлар туфайли «жаҳон адабиёти» тушунчаси дунёга келди.

Бу янги ғоядан илҳомланган Оврупо ёзувчилари Шарқ адабиёти намуналарини таржима қилишга астойдил киришадилар. Буюк Гёте эса форс шеърияти билан шуғулланиб «Ғарбу Шарқ девони»ни яратади. Шубҳасиз, Ғарбнинг Шарқ адабиёти билан қизиқишида ўзбек мумтоз адабиёти четда қолмади. Ана шу тарзда мумтоз адабиётимиз Гёте яшаган даврдаёқ жаҳон адабиётининг муҳим бир қисми эканлиги маълум бўлди.

Бугунги адабий жараён тўғрисида сўз борар экан, уни жаҳон адабий жараёни контекстида текшириш ўринли бўлади.

Адабий жараён шундай бир оркестрки, бу оркестрни ташкил этган созандалар Давр ва Ҳаёт дирижёрлигида истеъдодлари табиатига мос ҳолда куй чалиб, шу Давр ва Ҳаётнинг симфониясини ижод қиладилар. Ана шу ижодий паллада кимдир оркестрни тарк этиши, кимдир қўшилиши, яна кимдир ўзининг янгроқ овози билан бошқаларни эргаштириши мумкин.

Ҳар бир янги адабий давр одатда халқ тарихининг янги босқичи билан бошланади. Ана шу даврда янги истеъдод соҳиби ё соҳиблари майдонга келадилар. Улар ўз истеъдодларининг баҳорий таровати билан адабий даврга янги нафас, янги руҳ, янги ёлқин олиб кирадилар.

Адабиётимиз тарихининг янги Мустақиллик даври адабиёти қанот ёзаётган ҳозирги вақтда адабий жараёнда янги ва ўрта ёрқин истеъдодларга эҳтиёж аён сезилмоқда. Шундай бир паллада адабиёт юки катта авлодларнинг елкасига тушади. Аммо бугунги манзара шундайки, катта авлодга бу юкни кўтаринг, дейиш инсофдан эмас; кенжа авлод эса экспериментлар билан оввора...

Шу ўринда француз адиби Андре Моруанинг сўзлари хотирага келади. У Виктор Гюго юлдузи найзага чиққан пайтдаги француз адабиётининг ёш намояндалари тўғрисида сўзлаб, бундай деган: «Навқирон шоирлар ўзларига маскан топиш учун у ҳали забт этмаган юксак чуққиларни жон-жаҳдлари билан ахтаришга киришдилар. Улар Гюго муваффақият билан меҳнат қилган заминда ғалабага эришмай, бошқа бир нарсани яратишга уриндилар. Шундай қилиб, символизм пайдо бўлди...».

Беҳбудийдан Асқад Мухторга қадар бўлган ёзувчилар адабиётимиз хазинасини янги-янги жанр ва шакллар билан бойитиб, уни янги бадиий юксакликка олиб чиқдилар. Кейинги авлод Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев ва Уткир Ҳошимов, шунингдек, Рауф Парфи сиймосида улар эришган ютуқларни ўз тажрибаси билан мустаҳкамлади. Бу «заминда ғалабага эришиш»нинг маҳоллигини кўрган халафлар изланиш майдони сифатида Ғарб адабиётини танладилар. Шу тарзда ХХ асрда узбек адабиёти билан жаҳон адабиёти ўртасида мустаҳкам кўприк бунёд этилди.

Жаҳон адабиётининг бир қисми бўлиш миллий ўзига хосликни инкор этмайди. Аксинча, бошқа миллий адабиётлар каби, узбек адабиёти ҳам ўзининг миллий тароватини сақлаган ҳолда жаҳон адабиётининг таркибий қисми сифатида ривожланиши лозим. Шу маънода, масалан, романнависликда Абдулла Қодирий ва Ойбек анъаналари мавжуд.

Бундан бир неча йил илгари, ҳали ҳатто қайта қуриш даври шабадалари эсмай туриб, Тошкентга поляк адабиётшуноси келган ва унинг ташрифидан мурод Варшавада, поляк тилида Узбек шеърияти антологиясини узбек ҳамкасблари ёрдамида нашр этиш эди. Шунда у антологиянинг қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тасаввур бериш учун «Социалистик реализм руҳида ёзилган шеърлар ва уларнинг муаллифлари бизга керак эмас. Поляк китобхонига шундай шеърлар борди-ю даркор бўлиб қолса, улар бу тоифа шеърларни рус шоирлари ижодидан истаганча топадилар», деган эди. Худди шунга ўхшаш, жаҳон китобхонлари ғарбча асарларни бизсиз ҳам ўқишлари мумкин. Биз жаҳонга адабиётимиз орқали узбек характерини, узбек халқининг миллий ҳаёти ва руҳияти тасвирини олиб чиқишимиз лозим.

Мустақиллик даврида эришган буюк неъматларимиздан бири ўз тарихимиз ҳақида, асрлар оша чақноқ юлдузлар янглиғ нур сочиб турган сиймоларимиз ҳақида оғиз тўлдириб гапириш имкониятидир. Бизга уларни ўрганишни ҳам раво кўрмаган эдилар. Худди шунингдек, адабиётимиз тарихини ҳам фақат синфийлик нуқтаи назаридан текширар эдик. Эндиликда Яссавий, Навоий сингари адабиётимизнинг буюк намояндалари ижодини қайта кашф этиш имконияти ҳам туғилди. Ўйлайманки, шу йўналишдаги изланишлар натижасида улар маҳоратининг ҳали бизга мадад берадиган томонлари нурланиб кетади. Ва биз миллий бадиий анъаналаримизни сўнгги ижодий ютуқлар ва изланишлар самараси билан бойитиб, адабиётимизни янги довонга олиб чиқишимиз мумкин.

Адабиётимиз тарихида эришилган энг катта ютуқ унинг гуманистик моҳияти, инсонсеварлик руҳи билан бошдан-оёқ суғорилганлигидир. Гуманизм, ижтимоий мазмунига кўра, инсоният томонидан минг йилликлар мобайнида ишлаб чиқилган улуғ ғоялар ичида энг улуғворидир. «Гуманизм ғояси, — деб ёзган эди атоқли шарқшунос Н. И. Конрад, — теран идрок этилган улкан тарихий тажриба натижаси, шундай тажриба жараёнида инсоннинг ўз-ўзини, ўзининг ижтимоий вазифасини англаш натижасидир».

Узбек адабиётининг гуманистик моҳиятида ҳам халқнинг минг йиллар мобайнида эришган тарихий тажрибаси ва шу тажриба жараёнида шаклланган ўз-ўзини англаш иқтидори ётади. Адабиётимизнинг ана шу гуманистик руҳи Ғарб адабиётидаги турли «изм»лар таъсирида келажакда ҳам асло ҳира тортмаслиги керак.

Сунгги йилларда тарихий ва диний-маърифий қадриятларнинг тикланиши натижасида адабиётимиз яқингорада шундай мундаржа билан йўғрилган асарлар билан бойиши кутилади. Агар 20-йилларда Фитрат, бир томондан, диний бидъат ва хурофот таъсирида ғафлат оғушига чўмган халқни уйғотиш, иккинчи томондан, шуро мафкурасининг талаби билан унинг Худога бўлган эътиқодини сусайтириш мақсадида қатор ҳикоялар ёзган бўлса, эндиликда ана шу тажрибадан бутунлай бошқа мақсадда, жамият ҳаётига иймон нурини сингдириш ниятида фойдаланиш мумкин. Чингиз Айтматовнинг мифологик сюжетлар фавворасидан отилиб турган романларидаги бадиий тажриба ҳам ўзбек адабиётининг янги тараққиётида асқотиши шубҳа уйғотмайди.

Ҳар ҳолда шу нарса аёнки, адабиётимиз Мустақиллик даврида янги бадиий ютуқларни қўлга киритиши учун етарли тажриба ҳам, янги изланиш майдонлари ҳам бор.

Мустақиллик бизга қандай неъматларни яратган бўлмасин, янги тарихий шароит билан ҳисоблашмай бўлмайди. Бозор иқтисодига асосланган тузум ва ҳаёт бозоргир асарларни тақозо этади. Ҳозирнинг ўзидаёқ қандай китобларни ,бугун ҳам ўн мингдаб нусхаларда чоп этиш, қайси китобларни, иложи бўлса, пештахталардан йиғиштириб олиш лозимлиги аён бўлиб қолди. Бундан кейин нашриётлар ана шу мезонга кўра иш тутади.

Аммо шунга қарамай, агар келажак авлодлар тақдири, демак, мамлакат тақдири, жамият учун муҳим бўлса, халқимизнинг ХХI асрда юксак маданиятли халқ бўлишига ёрдам берадиган оригинал ва таржима асарларни нашр этишни йўлга қўйиш керак.

Ҳидоят Худуш ўғли Озарбайжон адабиёти оламида истеъдодли шоир, носир, публицист ва таржимон сифатида танилган.

Унинг шеърларини ўқиш жараёнида сиз бадиий тафаккурнинг туркиёна тарзини кузатасиз, қадим оҳангларни илғайсиз, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит» турк» асарида келтирилган кўҳна қўшиқларга ҳамоҳанг мисраларни учратасиз. Сатрларга жо қилинган чўнг фалсафанинг ўзимизникига ўхшаган соддагина, халқона ифода шаклини кўрасиз.

Улар буюк туркий лисоннинг озарий лаҳжасида битилган, холос. Шунинг учун озар шоири битган байтларни ўзбек ўқувчиси англаши осон. Негаки, бизлар битта илдиздан ўсиб чиққан тили бир, дили бир, эътиқоди бир халқлармиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги дирик шеърлар унинг «Тўқсонинчи йил» шеърий китобидан олинди.

Қардошлик

Ҳидоят

ҲАР ТОЛЕЪНИНГ БИР ЙЎЛИ БОР

* * *

Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи,
Енгсиз қўйлакларга зориқди юрак.
Чопонимни ечиб кунда юз бора
Йўлга чиқдим, гўё баҳор келажак.

Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи,
Кимга орқа қилиб қишлайсан энди?
Нега қувонадир баҳорнинг нози?
Ялонғоч бутоқлар — титради, тўнди...

Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи...
Магар қиш билмаски мағлуб бўлажак,
Дориқди йилларнинг мизроби, сози —
Магар ёз билмасми зафар чалажак?
1983

* * *

Умр қандай ўтар, кун қандай кечар?!
Баҳорларга айтинг, ёзларга айтинг.
Юрак севинчдан кўп кадарми ичар? —
Келажак йилларга, ойларга айтинг...

Долғали ёшлигим бунча тез ўтар,
Қора сочларимга бевақт оқ тушар,
Умрим баҳор чоғи қиш-ла кўришар —
Ёшимни орттирган сонларга айтинг...

Ишқимга ҳар ёндан шамоллар эсди,
Ҳижрон ўйладики, сабримни кесди.
Нодоннинг дардига бир ҳовуч сув бас,
Оқилнинг дардини сойларга айтинг!..
1965

* * *

Мурват, тез сур,
манзил узоқ,
Бу йўллардан озмоқ бўлмас.
Ҳар толеънинг бир йўли бор —
Минг бир ёққа йўймоқ бўлмас.

Умрнинг туй ҳар онини,
Сайр эт мардлар майдонини...
Табиатнинг достонини
Табиатдек ёзмоқ бўлмас.

Йўлда очдик кўп саҳарни,
Ўтдик неча кент-шаҳарни...
Манов чуқур дараларни
Кетмон билан қазмоқ бўлмас.

Ҳар инсоннинг ўз карвони,
Ҳар карвоннинг ўз сорбони.
Қалам билан ёзилганни
Болта билан бузмоқ бўлмас.
1980

* * *

Бунинг оти айриқлиқми —
На аввали, на сўнгги бор,
Сўнгсизликларга боғлиқми —
Ойи, йили қатор-қатор.

Висол учун ён, юрагим,
Ҳар амалим, ҳар тилагим...
Ўз умриму ўз истагим,
Оҳ, селларга оқар, оқар...

Увиллайди бебош еллар,
Томошага келар эллар —
Бир кун мани далли селлар
Соҳилларга отар, отар.

Висол оқшомлари қани?
Йўқотдик кўп қайтмас онни...
Толеъ баъзан нар арслонни
Бир тулкига сотар, сотар...

Баланд-баланд тоғ ошмоққа,
Чўққиларда ўйнашмоққа,
Гулим, сенга қовушмоққа
Менинг умрим етар, етар!!!
1980

* * *

Гоҳо куз бўлурсан, гоҳида баҳор,
Қишингда сочима сепаланар қор...
Гоҳида сийнамга сиғмас туйғулар —
Нега ўз ҳолимга қўймайсан, юрак?
Ширин хаёллардан тўймайсан, юрак?

Севарсан инсонни, табиатни сен,
Қайдан топибсан бу муҳаббатни сен?
Шундоқ изларсан-эй саодатни сен...
Изингдан интилиб толурман, юрак.
Сенинг-ла олишиб-ёнурман, юрак.

Аср асаблари эгнингга юкдир,
Дард-ғаминг дунёдан ўн қат буюкдир,
Сенга демасларки, ишқинг сўниқдир;
Кўкда минг юлдузга ҳайронсан, юрак.
Ерда-чи, бир қизга қурбонсан, юрак.

Минг сирсан, маъноли коинотинг бор,
Аччиқ соатинг бор, хуш соатинг бор...
Сенинг-да, сенинг-да ўз ҳаётинг бор,
Менга суръат берган тўфонсан, юрак!
Сен — само, сен — дарё,
Жаҳонсан, юрак...
1962

Озарбайжон тилидан
Рустам МУСУРМОН ўгирган

ШУДРИНГ БЎЛИБ ЁҒДИМ ТОНГНИНГ КЎКСИГА

Алишер НАЗАР

ҲОЛАТ

Кеча тун ўзимни йўқотиб қўйдим,
Изладим тоғлардан, чўлу қирлардан,
Кўкнинг кўксидаги марваридлардан,
Қароғлардан, сўроғлардан, сирлардан.

Сомон йўлларида дайдидим узоқ,
Девона елдардан муждалар кутдим.
Шудринг бўлиб ёғдим тонгнинг кўксига,
Сўнг эриб узлатта бош олиб кетдим.

Бу тун шундай оғир кечди, кўксимга
Айрилиқлар ниҳолларин экдилар.
Туннинг қора кўрпасига бурканиб,
Менсиз қолган дардларим дард чекдилар.

Зулфин рўмолига яширганда тун
Дайди хаёлларим кетди-ку, тарқаб.
Оппоқ тонг — бокира қизнинг қўйнида
Мен қолдим янги кун юкин орқалаб.

* * *

Унутмайман, унутолмайман,
Хаёлингсиз яшамоқ душвор.
Ахир ўтли қароғларингда
Музлаб қолган армонларим бор.

Рутубатли юлдузсиз кеча
Кўзларимдан ўпар ғам менинг.
Чирмаб олар хаёлларимни
Турмакланган юлдузсиз тунинг.

Муҳаббатнинг тош йўлларида
Тилакларим тиконлар тилди.
Нечун севдим сени билмадим,
О, бу кўзлар хиёнат қилди.

Мана, кўнгил боғида армон
Дарахт бўлиб гуллайди бутун.
Менинг ҳолим не кечар билмам
Ўша дарахт мева туккан кун.

ШОИР КИМ?

Шоир деганларинг шоирмас асли,
Шоир бу — қалбдаги бокира бир оҳ.
Ҳайёмнинг бисотин қадаҳлар битган,
Машраб йиғламаган, йиғлаган кулоҳ.

Шоир деганларинг шоирмас асли,
Шоир бу телба — руҳ, алдамчи хаёл.
Гоҳ йиғлар баҳорда баҳорни қумсаб,
Гоҳида дард чекар — тўлғоқли аёл.

Сўзлар водийсида дайдийди шоир,
Қаламга суяниб то тонгга қадар.
Азоблардан тилаб олган боласин,
Субҳидам қоғозга йўргаклаб олар.

...ГА

Сен йўқсан, сен йўқсан мени соғинчлар
Йўлларингга нигоҳларим михлайди,
Тош бағрингнинг тошларига бош қўйиб
Менинг дайди хаёлларим ухлайди.

Сени юрагимга яширган эдим,
Билмадим, қай куни юлиб кетди ким?
Сени йўқотган кун, сенсиз қолган кун
Ўзим ҳам ўзимдан юлиниб кетдим.

О, менинг топганим, о, йўқотганим,
Боқ, етим севгига дор тикаяпман.
Сендан қолган кўксимдаги шудгорга
Энди кечалари шеър экаяпман.

Сен йўқсан, сен йўқсан... сен эса йўқсан.

Гаффор ҲОТАМОВ

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРДА СЕҲР БОР...

Ҳикматли сўзларга қулоқ солмоқ даркор,
Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига.

Абдулла ОРИПОВ

Қишда узоқ йўл ёриш-азоб. Дов-дарахт ялонғоч. Теварак-атрофдан файз кетган. Эзилиб йўл босасиз, қандай бўлмасин, манзилга етиб бориш керак.

Шундай дилгир кайфиятда келатуриб, баногоҳ йўл четига ёзиб қўйилган битикка кўзим тушди: «Йўлингиз оқ бўлсин!».

Бу тилак хуш кайфият уйғотди менда. Кимдир шундай деб ёзиб қўйсак, савоб бўлади, деб ўйлаган-да. Яхши-да.

Йўл босиб келаяпмиз-у, хотиралар тинчлик бермайди сира. Ёдимда, ҳали истиқлол эълон қилинганича йўқ, лекин тилимизга Давлат тили мақоми берилган. Бир кун эрталаб ишга бориш учун метрога тушдим, поезд ўрнидан жилишидан аввал огоҳ этилдики: «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат — Ҳамид Олимжон...» Соф она тилингда, булоқнинг сувидай тиниқ жаранглаган бу сўзлар кўнгилни орзиқтириб юборар эди. Кейинги бекатда бу ҳол яна такрорланди, сўнг яна, яна...

Шунда узоқ йиллар дийдорини соғиниб яшаган онамга баногоҳ рўбарў келгандай менинг кўнглим тўлиб кетди. Бошимни кўтариб, қаршимда шундай — давлат мадҳиясини тинглаётган каби улуғ сукутда, титраб, энтикиб, кўзлари намланиб турган кишиларни кўрдим. Уларнинг аксарияти оддий одамлар — нуроний, ишчилар, деҳқонлар, миллий маънавиятни ўзида мужассам этган она тили билан бевосита шуғулланмайдиган кишилар, бироқ улуғ, бир ҳодисот қошида лол бўлиб, тин олиб, кўзлари намланиб туришар эди...

Ҳар бир миллатнинг шуурида ўчириб бўлмайдиган аламли-қудратли хотира яширин, шу ҳодиса сабаб-хотира уйғона бошлаган ва у руҳиятимизга тенгсиз бир мунавварлик олиб кирган эди.

Кейинги йиллар маънавиятни тўйинтириш учун чексиз имкониятлар яратди. «Қуръони Карим», «Ҳадиси шариф» кўнгилнинг уфунат босган кўчаларини нурлантириб юборди. Имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий, хожа Аҳмад Яссавий қолдирган меросдан токи Абдулҳамид Чўлпон шеъриятигача — аввал табу қўйилган не-не асарлар ёруғлик кўрди. Пойтахтнинг юрагидаги хиёбон Амир Темур номини олди, Карл Марксниг ўрнида улуғ жаҳонгирнинг асов тулпорига миниб, бизни осойишга ундовчи маҳобатли ҳайкали қад ростлади. Наврўз, Рўза ва Қурбон ҳайитлари қайта бошдан ҳаётимизга кўрк етаклаб келди. Ва янги дарсликлар яратилди...

Янгиликка тўйинаётган дунёдаги ўзгаришларнинг барчасини бир-бир санаш қийин, албатта. Аммо, шуниси аниқки, янги жамият, янгича дунёқараш, шу дунёқарашга фидо одамлар, улар яратган мумтоз ишлар юзага келди, келаётир.

Изида хайрли ишлар қолишини истаган кишилар ҳар саҳар савоб ишларга қўл ураётир. Кимдир ниҳол экади, кимдир уй қуради, кимдир шеър ёзади. Шу тариқа ҳаёт яшаради. Янги ва янги хиёбонлар, кашфиётлар ва шаҳарлар бино бўлади.

«Ҳали-ҳали эсимда, — дейди навбаҳорлик Аҳмад Бобо Худойназар ўғли, — МТС даври эди — эллик еттинчи йил. Газлидан газ чиқди. Шунда катталар келиб, МТСда бир мажлис ўтказишди, улар айтдики, мана, юртларингиздан газ чиқди, энди аёлларингиз тезак ёқмайди, тандирларда ҳам газ ёнади, янги уйлар қурингиз, кўчалар равон бўлсин, асфалт қилинади, ичимлик сув келади..

Қаранг, орадан шунча вақт ўтди, бироқ ҳеч вақо ўзгармади, бизнинг газимиз дунёнинг нариги чеккасидаги шаҳару қишлоққа бориб етди, лекин ўз уйимизга худонинг иноятi билан мана энди — мустақилликдан кейин газ келди. Кўчалар асфалтланди. Ичимлик сув келаяпти...

Албатта, биз ҳам қараб турмаслигимиз керак, юртни обод қилаётган одамга яқиндан ёрдам бериш ҳам қарз, ҳам фарз. Инсонда Ватанга муҳаббат, имону гурур бўлиши керак, бу жуда муқаддас неъмат».

Ватанга муҳаббат бир кунда яралиб қолмайди, бунинг учун маърифий тарбия ва давр сабоғи керак бўлади.

Йиллар мобайнида мана шу сенинг онанг деб қулоғингга қуйишса, онам деб билганинг ёшинг бир жойга етганда бегона бўлиб чиқса, волидаи муҳтарамангни танисанг... қандай ҳолатга тушасан киши. Ўзингни йўқотиб қўясан, янгиликни қабул қилишга қийналасан... Биз шундай ҳолатни бошдан кечирдик. Ўзликни англаш жараёни эса ҳар кўнгилда ҳар хил тарзда кечаётир. Биз истаймизми, йўқми, ҳар бир кўнгил — бир дунё, янги ақидалар, янгича қарашлар, киндик қонинг томган шу заминга муҳаббат, Ватан ва истиқлол олдидаги бурч ҳисси ям-яшил дарахт каби бу дунёларни яшнатиб турмас экан, умуммиллий юксалишга эришиш қийин. Шунинг учун ҳам юртбошимиз инсоннинг маънавий камолатига, маърифатга алоҳида эътибор қаратмоқда: **«Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳномалари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир».**

Руҳ бедорлигини таъмин этадиган Ўйғоқ Сўздир.

Иоаннинг «Янги даъват»ида шундай калом бор:

«Аввал Сўз яралган, Сўз Аллоҳда эди, Сўз Аллоҳ эди. Ибтидода Сўз Аллоҳда бўлган.

Бошланиш У орқали яралган, ва неки бошланган бўлса Ундан, Усиз ҳеч нарса бошланмаган...»

Сўз шундай муқаддас ва шундай соҳир қудратга эга.

Кўнгил кўзини очадиган ҳам Сўздир.

Бундан бир йилча муқаддам хориждан бир қатор ёзувчилар уюшмага ташриф буюришди. Уларнинг муроди — Самарқанду Бухоронi кўриш, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари қабрини зиёрат қилиш экан. Сафарда мен ҳам уларга йўлдош бўлдим, агар эътибор қилган бўлсангиз, Сирдарёдан ўтган жойда, қунботиш тарафда **«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат»** деган даъват битиклик эди, сайёҳлардан бири — шоир — шу даъватга кўзи тушгач, мийиғида жилмайиб қўйди.

Улар қишлоқларни сайр этиб, тўйларда бўлишди, Самарқандни айланиб, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилишди, Бухорода Ситораи Моҳихоссани бориб кўришди, имом Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида Қуръон тиловат қилишди, қайтишда эса Оқтош шаҳрида шеърхонлар билан учрашув бўлиб ўтди, шунда ўша шоир сўз олиб, тўлқинланиб айтдики: — Дафъатан «Ўзбекистон — келажаги буёк давлат» деган битикка кўзим тушганида мен ажабланган, ўзи куни кеча ёруғликка чиққан мамлакат бўлса... деб ўйлаган эдим, лекин ота юртни поё пиёда кезиб, қўл урилган ишларни, обидаларни, улуғ салафларга улуғ эҳтиромни ўз кўзим билан кўриб, шунга иқрор бўлдимки, Ўзбекистоннинг ҳозири-да буюк, ўтмиши-да буюк, келажаги-да буюк!..

Ўтли сўзларда ҳикмат бор, сеҳр бор.

Расулиллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Киши биродари учун ҳикматли сўздан афзалроқ нарса ҳадя қилолмайди. Чунки бу ҳикмат сабабли Аллоҳ Таоло уни тўғри йўлга солиб қўяди ёки ёмон йўлдан қайтаради».

Нақл қилишларича, Хорун ар-Рашид пойтахт дарвозаси пештоқига «Ин ҳам мегузарад» — «Бу ҳам ўтади» деб ёздириб қўйган, у юришга чиқиб, мағлуб бўлса, қўшинидан айрилиб, маҳзун ва афтода, изига қайтгач, шаҳарга кираверишда ўша битикка кўзи тушар экан, «Бу ҳам ўтади». Шунда бу кўргулик ўткинчи эканлигини ҳис этар, ўзини қўлга олиб, дадил шаҳарга кириб борар экан.

Кейинги сафар фатҳу зафарга муваффақ бўлса, босар-тусарини билмай қолар, ҳовлиқар, аммо тағин шаҳар дарвозасидан ичкарига киратуриб ўша ҳикматдан, яъни бу ҳам ўткинчи эканлигидан огоҳ бўлар ва ҳаяжонини босиб солиҳ ҳолатига қайтар экан...

Ҳа, шундай, ҳикматли Сўзларда сеҳр бор ва у бизга қадимқадимдан, муқаддас китоблар ва маърифатли аждодлардан мерос бўлиб қолган. Ҳикмат ила тарбиялаш, ҳикмат ила йўл кўрсатиш, ҳикмат ила ўгит айтиш Шарққа хосдир. Ва унинг илдизи бориб томирда оқаётган қонга туташади, ота-боболардан юққан хислатларни, мудроқ туйғуларни уйғотиб юборади. Соҳибқирон ўгитига қулоқ тутинг: **«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир».** Бу даъват ҳар бир кўнгилга етиб боради ва имони саломат киши зиммасига муайян маслакка хизмат қилиш масъулиятини юклайди.

Рост, шўро замонида заминсиз, ҳавойи шиорлар урчиб кетди. Ва одамлар унга кўчада ётган тошга қарагандай қарайдиган бўлишди, қўникишди. Шунинг учун ҳам овлоқ туманларда, олис шаҳарларда ҳамон улар яшаб келаётир. Айрим газеталар буни «ўтишни қўмсаш» дея баҳолашди. Аслида ундай эмас. Фақат ўша жойларда шундай одамлар раҳбарлик қилишмоқдаки, улар Сўзнинг тарбиявий кучи, умуман, маърифатнинг фарқига деярли боришмайди. Улар бизнинг вазифамиз — қишлоқ хўжалиги ёхуд саноатни юритишдан иборат, деб билишади.

Қишлоқдан чиқиб, Навоий шаҳрига қараб йўл олсангиз, юрагингиз сиқилиб кетади, кўчалар шу қадар яйдоқ, ялангочки, ҳайронлар қоласиз, йўлда давлат автомобил инспекцияси кўрсатгичларидан бўлак деярли ҳеч вақони учратмайсиз. Шаҳарга киргач, тағин шу манзарага дуч келасиз: сўппайган уйлар, ҳувиллаган кўчалар. Ва беихтиёр: «Наҳот ҳаёт йўл ҳаракати белгиларидангина иборат бўлса?» деб ўйлаб қоласиз.

Шаҳар ҳокимлиги рўбарўсидаги ҳашаматли бино пештоқига маҳобатли ҳарфларда «Навоийский ГМК» деб ёзиб қўйилган. Марказий универмаг тепасида «Центральный универмаг» деган ёзув...

Кўчаларнинг қайта номланганига ҳам анча вақт бўлди, аммо уйларда ҳамон ўша кўрсатгич: «50 лет Октября».

Хатирчида 52 - рақамли мактаб бор, шу мактабнинг маърифат аҳли ҳамон «КПССга шон-шарафлар!» шиори остида ишлаётир. «Город Нурата шаҳри»даги ҳунар лицейи раҳбарияти эса ёшларни «Коммунизм сари олға!» даъват этмоқда. Агар сиз Зарафшон шаҳридаги курилиш бошқармаси биринчи ётоқхонасида бўлсангиз, бундан ҳам «ўтли» даъватга юзма-юз келасиз: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!».

Бу иллатлар оний, ҳозир вилоят ҳокимлиги маърифий тарбияга астойдил киришган ва бу шиорлар эрта-индин олиб ташланиши муқаррар. Лекин масаланинг маънавий томони, табиийки, кишини ўйлантиради, хўш, уларнинг ўрнини қандай Сўз эгаллайди?!

Хатирчи туманида пахтани қайта ишлаш заводи бор, ишдан қориб қайтаётган одам истайдими, йўқми, шундай ёзувни ўқийди: «Баракали меҳнатингиз учун раҳмат!»

Унга кўзи тушгач, киши бошқача бўлиб кетади, чарчоқ унутилиб, кайфият кўтарилади.

Одамнинг кўнгли ярим, ҳамиша у ширин гапнинг гадоси.

Катта Ўзбек трактида баланд темир қувурга улкан ҳарфларда шундай битик қайд этилган: «Мустаҳкам оила — жамият таянчи».

Яхши гап, лекин қани энди шу маҳалла ёхуд фуқаролар йиғини идорасига осиғлик бўлса! Чунки бу даргоҳга аралашиб қолган эру хотинлар худонинг берган куни келиб туришади, бундай даъватга кўзлари тушса, эҳтимол улар бир лаҳза тин олишар, оила ва унинг муқаддаслиги, жамият ҳақида, чирқираб қолган фарзандларнинг тақдири ҳақида ўйлаб кўришар?!

Серқатнов йўлда эса «Сафарингиз бехатар бўлсин!» ёхуд «Сизни оилангиз кутаяпти!» деган битиклар учраса, табиийки, қориб-толиб келаётган ҳайдовчининг руҳи тиниқлашади, ҳушёрлиги, масъулияти ошади.

Азизлар инсон қалбини саҳродаги қуш қанотининг шамол ўйнаётган патига қиёслайдилар, у шу қадар нозик, шу қадар таъсирчанки, ҳар бир сўзнинг муқаррар изи қолади. Никоҳдан ўтиш шукуҳли онлар. Нега келин-куёв никоҳини қайд этиш бўлимлари ҳувиллаб ётибди? Бу даргоҳга минг бир ҳаяжон билан кириб келган ёш-яланг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан бўлак яна нима олиб қайтади? Оиланинг қадрини англатувчи ўтли Сўзлар нега деворга битилмаган? Оиланинг нечоғлик муқаддас эканлиги, ёшларнинг бир-бири ва ота-онаси, бўлажак фарзандлари олдидаги бурчлари, меҳр-оқибат ҳақида... нега суҳбатлар ўтказиш мумкин эмас? Ахир, бу маънавий тарбиянинг узвий бўлаги-ку! Ва бу дамлар ёди инсонга тоабад йўлдош бўлади. Кўз билан кўргани кўнглига муҳрланса, тинглаган ўгити қулоғига қуюлиб қолади...

Навоийда икки боласи билан рўзғорини ташлаб кетган, умуман, турмуш ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган ёшлар учраб туради, юрибди улар — ишга бориб, келиб, чеккани — «Молборо». «Болам бор экан-ов» деган ўй хаёлларига ҳам кириб чиқмайди.

Бу ҳол кишини ташвишлантириши табиий. Шунинг учун ҳам, мен ўйлайманки, бу жой оиладан сабоқ берадиган — ёшлар учун энг азиз даргоҳ бўлиши керак...

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз: — Фарзандларимиз биздан ўзиб кетишсин, — деди, — ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом авлод бўлиб етишсин! Бўйи баланд, кучли, тоғдай-тоғдай одамлар бўлишсин!

Бу истакнинг рўёбга чиқиши бевосита таълим масканларига боғлиқ.

Кекса зиёлилардан бири шундай ҳикоя қилади. — Мактабимизда Лев Толстойнинг «Агар мен ўзимни ўйламасам, ким мени ўйлайди? Агар фақатгина ўзимни ўйласам, менинг нима керагим бор?» деган сўзлари ҳикмат қилиб ёзиб қўйилган эди. Мен ана шу руҳда, ўзимни ҳам, жамият олдидаги бурчимни ҳам унутмаслик руҳида тарбияланганман, ўзимни доимо, шу жумладан, ҳозир ҳам жамиятнинг бир зарраси деб биламан...

Шундай ҳикмат бор: **«Бешиқдан қабргача илм изла» ёхуд «Илм ибодатдан афзалдир».**

«Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни»
(Амир Темур).

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади, — дейди шоир. Ва бу каби ҳароратли Сўзлар ҳар бир мутафаккир бисотида жавоҳирдай нурланиб турибди. Улар маърифий масканлар маслак моҳиятини ойдинлаштиришга, шу тариқа кўнгилларга ёруғ бир тилак олиб киришга қодирдир.

Хусусан, ҳозир мактаб ва таълим масканлари ҳикматли Сўзга бағоят эҳтиёжманд.

Бу Сўз, табиийки, узукка қўйилган кўз каби ярашиб туриши лозим. Вилоят газетаси жамоаси «Сирдарё ҳақиқати»нинг мангалайига шундай деб ёзишни маъқул кўришибди: «Матбуотнинг кучи адолатда!» Соҳибқироннинг фикри ўзлаштирилган, моҳият эътибори билан аслига нисбатан чекланган маъно ташиётир. Бевосита матбуотга дахлдор фикр эса газетанинг юзига эмас, таҳририят пештоқига битиб қўйилгани маъқул. Чунки ҳар куни жамоанинг шунга кўзи тушади, шу ақидага амал қилади. У ички тамойилга айланади. Халққа эса катта бир маслакни ифода этувчи даъватни айтса, ярашади.

Президентимиз шундай деган: **«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир».** Айрим вилоят ва туман газеталари уни даъват сифатида қабул қилган, аммо ислоҳ киритган: «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» («Бухоро ҳақиқати»), «Ватан саждагоҳдек муқаддасдир» («Чағонён»).

Маълумки, ҳар қандай Сўз аслиятдан айнан олинмоғи лозим...

Навоийда қандайдир юмуш билан хотин-қизлар қўмитасига кирган эдим, эшикни очиб ичкарига оёқ босган заҳотим шундоқ деворда осиғлик турган чиройли битикка кўзим тушди: **«Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнг отангизга яхшилик қилинг».**

Бу ҳикмат кўнгилда бир олам туйғулар қўзғайди.

Она... бешикка энгашиб уйқусиз кечалар алла айтаётганда кўнглидан не ўйлар кечмаган, не-не умидлар билан бизни оқ ювиб, оқ тарамаган. Биз эса ҳамон ўзимиздан, тирикчилик ташвишларидан ортмаймиз, унинг кўнглини олишга фурсат топа олмаймиз. Ҳолбуки, қарздормиз — онамизнинг олдида ҳам, шу она халқ, шу она Ватан олдида ҳам. Зеро, улар бир-биридан ажратиб бўлмас тушунчалардир. Шоир шундай дейди:

Сен онам, сен синглим, ёримсан азал
Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним!

Биз эса нечундир уларнинг олдидаги қарзни узишга унча шошилмаяпмиз, ёниқликми, жонфидоликми, нимадир етишмаяпти бизда. Шунинг учун ҳам ҳали тилга олинган нуқсонлар ондасоида бўлсин, учраб турибди.

Давр эса биздан шиддат ва шижоат талаб қилаётир...

ИЛДИЗЛАРИ ТЕРАН САНЪАТ

Ўзбек театри тарихидан

Маълумки, XX аср бошларига келиб, Туркистон маданий ҳаётида жиддий юксалиш кўзга ташлана бошлади. Бу даврда миллий матбуот, янгича адабиёт юзага келди. Айниқса, театр мисли кўрилмаган шиддат билан ривожланди ва қисқа вақт ичида юксак даражага эришди. Театрнинг халқ орасидаги таъсири бениҳоят кучли эканлигини англаган жадидлар ундан ўз ғояларини халқ орасида ёйиш учун кенг фойдалана бошладилар. 1913 йилдан 1920 йилларгача бўлган қисқа давр мобайнида Туркистонда кўплаб театр труппалари пайдо бўлди, маҳоратли драматурглар, режиссёр ва актёрлар етишиб чиқди. Ўзбек театри энди ўзга миллат санъатшуносларининг ҳам эътиборини жалб қила бошлади. Ўзбек театри ҳақида биринчилардан бўлиб матбуотда батафсил фикр-мулоҳазаларини баён қилган рус театр танқидчиларидан бири В. А. Пестовский эди. Унинг 1922 йил «Инқилоб» журналининг 3-4 сонларида босилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласи анчагина баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. Муаллиф ушбу мақола бошида таъкидлашича, у ўзбек театрининг ўша даврдаги етакчи намояндалари бўлган Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур, Ёқубий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонлар билан яқин суҳбатда бўлган, улардан кўплаб маълумотларни олган. Пестовский шу мақоласида анчагина қимматли маълумотларни бериш билан бирга, ўзбеклардаги ва бутун Шарқдаги театр тарихи ҳақида ёзиб, бошиданоқ бирмунча мунозарали фикрларни баён қилади. Чунончи, «Мусулмон театри бошқаларга нисбатан яқиндагина дунёга келди. Айниқса, ўзбек театри ўзининг 10-ёшини ҳам яшаган эмасдир... ул тўғридан-тўғри рус театрининг таъсири остида ўсди!», деган фикрлари кўплаб ўзбек зиёлиларининг эътирозига учради. «Инқилоб»нинг 1922 йил 6-сонида Равшан имзоси билан Пестовский мақоласига жавобда ёзилган «Ўзбекларда театр» мақоласини муаллиф Пестовский фикрларини кескин рад этади. Лекин эътирозлар ўта эҳтирос билан ёзилган бўлса-да унда илмий далиллар, мисоллар етишмасди. Шу муаммо хусусида «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йил 2—3 сонларида босилган Ғулом Зафарийнинг «Чиғатой — Ўзбек халқ театруси» мақоласи ўзининг илмийлиги, исбот ва далилларга бойлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Муаллифнинг ёзишича, ўзбекларда театр аввалдан мавжуд эди, фақат у ҳозиргидек театр деб аталмасдан, балки «томоша» дейилиб, халқнинг қизиқчи ва ўйинчилари томонидан сайилларда, тўйларда, катта йиғинларда кўпроқ эрмак (танқид) йўли билан, гоҳида ибрат бўладиган томошалар тарзида кўрсатилган.

Мақолада халқ театрининг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, миллий хусусиятлари ва атоқли намояндалари ҳақида мухтасар маълумотлар берилади. Ғулом Зафарий ушбу мақоласида ўзбек халқ театри кўп асрлик тарихга эга эканлигини ва унинг «ўзбекларнинг аввалги тараққийсига кўп ёрдам берган»лигини таъкидлаб, «илгарилари қизиқчи ва ўйинчиларга эл ва хонлар томонидан яхши қаралиб келган», атоқли қизиқчиларни хонлар мукофотлаганлар ва уларга имтиёзлар беришган, деб ёзади.

Ғулом Зафарий 20-йилларда Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бўлган, қўғирчоқбоз ва қизиқчилар ҳақида маълумот тўплаб, халқ оғзаки драмаларидан баъзиларини ёзиб олган эди. Юқоридаги мақолага ўз фикрларининг исботи сифатида халқ қизиқчилари оғзидан ёзиб олинган «Мақтанчоқ киши», «Эр ва хотин» оғзаки драмаларини ҳам илова қилади.

Ўзбек маданияти тарихи бўйича кўплаб жиддий тадқиқотлар олиб борган Ғулом Зафарий ушбу мақоласида ўз фикрларини турли мисоллар, далиллар билан исботлаб, Пестовскийларнинг асоссиз фикрларини инкор қилади. Барча миллатларни руслаштиришга уриниш ҳаракатлари кучаяётган бир даврда ёзилган ушбу мақола уша даврда зўр қийматга эга бўлган.

Олим УСМОНОВ,
ЎзРФА Адабиёт институти аспиранти.

Елизавета Артёмовна ПЕТРОСОВА

Ўзбекистон рақс санъати оғир жудоликка учради. Ўзбек ва қорақалпоқ миллий рақс санъатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган йирик саҳна устаси, Ўзбекистон халқ артисти Елизавета Артёмовна Петросова (Лизохоним) 84 ёшида орамиздан кетди.

1913 йилда Марғилон шаҳрида таваллуд топган Е.А.Петросова болалигидан ўзбек халқ рақсларига меҳр қўйиб, катта ҳавас ва иштиёқ билан уларни ўрганди. Улуғ санъаткор Уста Олим Комиловнинг истеъдодли шогирди сифатида миллий рақснинг сирли ва муҳташам оламига дадил кириб келди, машаққатли меҳнат ва тинимсиз изланишлар эвазига камолот пиллапояларига кўтарилди.

У иккинчи жаҳон уруши йилларида ўз санъатлари билан жангчиларга маънавий мадад берган ўзбек хотин-қизлари гуруҳининг фаолларидан бири бўлди.

Е. А. Петросова ўзбек халқ миллий рақсларини асраб-авайлаш, уларга сайқал бериш ишига бутун умрини бағишлаган санъаткор эди. У ўзбек

миллий рақс ҳаракатлари асосида кўплаб янги рақсларни яратди ва саҳналаштирди. 1954-1966 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси рақс ансамблига раҳбарлик қилди. Моҳир ижрочи ва балетмейстер сифатида фаолият кўрсатган Е. А. Петросова Қорақалпоқ халқ рақсларининг миллий ва этнографик илдизларини тадқиқ этиш билан ҳам шуғулланди. Унинг «Қорақалпоқ рақси» монографияси ана шу изланишлар маҳсули бўлиб, у мамлакатимиз миллий рақс санъати тарихи ва назариясида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Е. А. Петросованинг фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистон халқ артисти фахрий унвонларига сазовор бўлган, Бердах номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

Ажойиб инсон, ҳассос санъаткор, меҳрибон ва талабчан мураббий, миллий рақс санъатимизнинг толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиси Е. А. Петросованинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланажак.

Бир гуруҳ дўстлари

Ғулом ЗАФАРИЙ

ЧИҒАТОЙ — ЎЗБЕК ХАЛҚ ТЕАТРУСИ

Чиғатой театруси илгарилари ҳозиргича театру деб аталмай «томоша» деб аталиб, элнинг қизиқ, ўйинчилари томонидан сайилларда, тўйларда, ғапларда ва катта йиғинларда кўбрак эрмак (танқид) йули ила, баъзан ўрнак бўлатурғон томошалар ўйналиб келган бўлса ҳам, китоб тарзида ёзилгон ўзбакларнинг илгариги тараққийсига кўб ёрдам берган.

Бу ўйунчилар элнинг келишмаган ишларини эрмак ва ўрнак йули ила тузатишлари ила баробар беклар, хонларнинг ҳам ўринсиз ҳаракатларин ўзларига кўрсатиб ҳар чоғ кўзларин очиб турғонлар.

Туркистоннинг энг улуғ хонларидан бўлгон Қизил Арслонхон қизиқ ва ўйунчиларга зўр аҳамият бериб, ўз ўрдасида қизиқ ва ўйунчилар соқлаб, шулар орқали беклар ва ҳокимларни танқид этдириб ҳар бир келишмаган ишларин тузатмакликка чолишгонлиги, қулоқдан-қулоқга эшитилиб соқланиб келган хабарлар ила собитдир.

Илгарилари қизиқ ва ўйунчиларга эл ва хонлар томонидан ёхши қоролиб келган. Лекин сўнг ҳар бир маданиятта бошловчи ҳаракатларга дин отидан қарши турувчи уламо исмли кўршапалаклар томонидан монелик бўлуб хонлар кўзидан тушган бўлса ҳам эл ўртасида соқланиб келган.

Кейинги чоқларда ўйунчилар зўр монелар орқасида эл кўзидан ҳам тушаёзгон бўлсалар ҳам элнинг ўйинчиларга зўр рағбати орқасида шул чоқгоча қизиқлар дебгина соқланиб келди. Шул қизиқларни эл ўйунчи (актур)си, ўйунларин эл томоша (театру)си дейилса бўлур. Негаким, шул чоқдоги қизиқларнинг ўйунлари илгари элнинг қизиқ ва ўйунчилари томонидан тузулиб қолдиргон томошалардур. Буларнинг эл томошаси эканлигига ғоянч қидириб овора бўлмасдан қизиқларнинг ўйунларин бир йул кўриш кифоя қилур.

Шундоққи, қизиқлар бир ўйун ўйнамоқчи бўлгонда тус ўзгартуб бошқа кийимлар киярларда, воқеага жойни (уй, ўовли, боғ, кўчами) керак бўлса фаразий кўрсатарларда ўйнай берарлар.

Шунга мисол учун Фарғонанинг атоқли қизиқларидан бўлгон «Пирмат»нинг қизиқдан сўзлатуб ёзиб олгон «Мақтанчоқ киши» отли томошани ёзиб утаман... Бу томоша ўйнолгонда кўрсатилган паразий жойни (айтиб берувчининг сўзича) қўйидагидай саҳнада ўйношга ёрағудек қилуб декоратсия тайинлаб: сўзларнинг уятликларин чиқориб ташлаб ўз ҳолича, яъни Пирмат қизиқ қондай айтиб берган бўлса шундай ёзиб кўрсатаман. Бунинг тузувчиси айтиб берувчининг сўзига қарагонда Фарғонанинг энг сўнги хони Худоёрхоннинг отоқли қизиқларидан бўлгон тошкентли Усмон қизиқ эмиш...

...Мана буни («Мақтанчоқ киши» — О. У.) ўқиб кўрган ҳар бир киши ўз-ўзидан театруни овруполилардан кўруб ўргандинг деб қараб турмасдан, бизда ҳам эскидан театрумиз бор деб, ўзбекларга таетруни биз ўргатдик деювчиларнинг оғзига ура биладир.

Бундан бошқа гап ва тўқмаларда ўйноладиргон «Сутхур акам жон берадир», «Ололмайди кал-кал», «Кичкинажон кичкина», «Ялмона ялмон» ўйунлари, Лули, овчи, раис, қози, оқсоқол деган тақлид ўйунчилари эл орасида томошанинг ёхши урун тутгонлигин кўрсатадир.

Бори томоша ва ўйунларнинг ёхши йулга қўйулмоғонига сабаб юқорида айтилганича уламолар бўлгон. Ислом динининг бўш ўйун, кулгулардан қойторғонини қурол қилуб томошаларнинг фойдали эканлигин тушунмай ёки тушунсалар ҳам ўзларига эргаштирмакка қизиқуб қайторишлари зўр монеъ бўлгон.

Яна томошалардан бошқа ўзбекларда қўйлик эрмак (ҳажвий куфлет)лар бор бўлгон. Бунга мисол учун улка Маориф ходимлари қурултойида театру тўғрисида ўқуғон доқладимдаги «Эр ва хотун» куфлетини ёзиб кўрсатаман:

Эр ва хотун

Хотун — Манинг бир ёрим бор жонидан тўйгон,
Жонидан тўйибон жаброна қўйгон.
Жаброна қўйибон олдизга келган.
Қози: — Қони...?
Хотун — Мана ўзи.
Қози — Қўйдингми аҳмоқ?
Эр — Тақсир, қўймас эдим, чочлари пахмоқ.
Хотун — Қотиқ келтирмади тақсир ювмадим.
Тароқ келтирмади тарай олмадим.
Эр — Қотиқ олиб берсам ёлаб қўйубдир,
Тароқ олиб берсам қолоб қўйубдир.
Хотун — Тақсир тумов эдим ёлаб қўйувдим,
Ҳурдам қайнамовди қолоб қўйувдим.
Эр — Тақсир олиб келдим бир боғ янтоқни,
Худой олсун шундай ёлпис пахмоқни.
Хотун — Ман ҳам чиқмас эдим соқоли пахмоқ,
Қотиқ келтирмаган ўзлари аҳмоқ.

Қози — Бор кет сани қўйди, эринг олмайдир:
Бу хил эр-хотунчилиқ бўлмайдир.

Бул куфлет Худоёрхоннинг энг сўнгги чоғиндоги тўйида Усмон қизиқ томонидан тузилгани, Пирмат қизиқ ва Ҳўқандлик кўб чоллар томонидан томоша (театру)лар тўғрисида овруполиларнинг ўзбакларнинг биздан кўруб билдилар деган даъволари ўз-ўзидан йўқго чиқса ҳам қўғурчоқ ўйуни Шарқга овруподан ўн бешинчи асрдан бошлаб утди деган даъвосига жавоб беришга кучим етмайдир. Бул тўғрида билувчи кишилар бўлса матбуотда ёзиб кўрсатмакларин ўтунар эдим.

Ғулом Зафарий, «Билим ўчоғи» ойномаси, 1923 йил 2-3 сон.

Мақола жузъий қисқаришлар билан эълон қилинаётир.

Суратқаш бисотидан.
Таниқли мусаввирлар Чингиз АҲМАРОВ ва Жавлон УМАРБЕКОВ

Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотига номзодлар

МАДҲИЯ

Мусаввирлар султони, устоз Чингиз Аҳмар «Санойи нафиса» ижодий гуруҳининг аъзолари Тоир Болтабоев, Ғайрат Камолов, Ҳуршид Назиров ва Содиқ Қорабоев каби рассомлар бошини силаган, уларга оқ фотиҳа берган эди. Гуруҳнинг ташкил топиб, ижод қила бошлаганига энди ун йил бўлди. Шунга қарамай, «Санойи нафиса»нинг ижодий бисоти бой, унинг шуҳрати кенг ёйилган. Уларнинг санъати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти совринига сазовор бўлди.

Бу гуруҳ «Санойи нафиса» бўлиб ташкил топишидан аввал Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида ўз ижодларини тош қоғоз мусаввирлигидан бошлаганлар. Уларнинг ҳар бири ўзича безаган упадон, қутича, қаламдон ва мўъжазгина тасвирий лавҳалар бетакрордир.

Гуруҳ аъзолари ўз санъатларини мумтоз мусаввирлик анъаналарини давом эттирувчи асарларда ҳам намоён этадилар.

Аммо «Санойи нафиса» аъзолари ижодининг энг салмоқли бисотини деворий мусаввирлик суратлари эгаллайди, десак тўғри бўлади. Одатда жами иморатлар ичкарисининг маънавий ва бадиий безаги бўлмиш деворий расмларни «Санойи нафиса» аъзолари тўртовлон бўлиб, ижодий томондан баробар қатнашиб яратишади. Ун йил мобайнида улар қўлидан ундан ортиқ маҳобатли деворий суратлар чиқди. Ҳозирча биз фақат сўнгги йилларда яратилган асарларининг баъзиларига тўхталмоқчимиз.

Булар соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлат барпо этиш, шаҳарларни обод қилиш, илм-маърифат ва ҳунар аҳлига ҳомий бўлишдаги саъй-ҳаракатлари, унинг шакл-шамойили ва кўринишини тасвирловчи асарлардир. Бу қадар муҳим ва масъулиятталаб асарларга қўл уришдан илгари «Санойи нафиса» гуруҳи Нуроблддаги Янги Ангрен ГРЭСи маъмурий биносининг ички фойе деворига улкан сурат чизгандилар. У «Улуғбек мактаби» деб номланган.

Соҳибқирон Амир Темур қиёфаси эса биринчи марта улар ижодида тахта лавҳага чекилган ва унда буюк бобомиз суворий кўринишида ифодаланганди. Деворий расмлардан дастлабкиси Тошкентдаги чет эллик меҳмонларни қабул этиш маросимлари ўтадиган даргоҳ меҳмонхонаси деворларини безаб турибди. Бу асар алоҳида-алоҳида чизилган бир неча лавҳалардан иборат бўлиб, уларда Амир Темур давлати паноҳида гуллаб-яшнаган илм-маърифат, ободончилик, аҳли ҳунар санъати, савдо-сотиқ ривожи тасвирланган. Асосий ўринда Амир Темур узининг олий мартабали мажлисида чет эллик меҳмон ва вакилларни қабул этиши ифодаланган.

Бу деворий сурат мусаввирларнинг ижодий муваффақияти эди. Шунинг учун бўлса керак, темурийлар тарихи давлат музейи қурилиши бошланганда унинг ичкарисидаги нақш-нигорнинг амали шу ижодий гуруҳга ишонч билан топширилди.

Олдиндан бўлса ҳам шуни алоҳида айтиш лозимки, бундай улкан суратни яратишда гуруҳ аъзолари катта маҳорат билан бирга, чидам, қолаверса, ғайрат-шижоат, ҳатто жасорат кўрсатишди. Чунки ҳар жиҳатдан улкан бу иш жуда қисқа фурсатда ва кескин шароитда бажарилди.

«Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган бу сурат «Туғилиш», «Юксалиш» ва «Фахрланиш» деб номланади.

Биринчи расм Соҳибқироннинг таваллуд топиш санаси ва бу воқеанинг моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб берадиган, у билан боғлиқ воқеа ва лавҳаларни рамзий шакл ва кўринишда ифода этадиган тасвирлардан иборат.

Ўртадаги расмда ўз номи билан соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонгирлик, давлатчилик, бунёдкорлик фаолияти, умрининг чўққисига етган пайтлари ва у билан чамбарчас боғланган бу чоғларни ёрқин ифода этувчи кўриниш, лавҳа, манзаралар акс этган.

Деворий расмнинг ўнг қисми биринчи ва ўрта расмдаги ғоя ҳамда мазмунни тўлдирувчи ва давом эттирувчи сурат сифатида чизилган. Асар ўртасида оқ кийим кийган, соқол-мўйловлари қордай оппоқ мўйсафид. У билан ёш авлод орасидаги мулоқотдан келажакка умид, ишонч сингари маъноларни ўқиш мумкин.

Расм уч қисмга бўлинганига қарамай, ҳам ғоя, ҳам мазмун, айниқса, бадиий шакл жиҳатидан яхлит. Муҳими, асарнинг ранг муъжизаси, унинг услубий жаранги ҳам ана шу яхлитликка хизмат қилади.

Деворий расм — меъморий санъат. Унда тасвирланган макон меъморий маконга, унинг эни ва бўйига, келажагига, хусусиятига мос келиши шарт. Ана шу шартларни адо этишга «Санойи нафиса» рассомларининг қурби етган. Асарнинг ранглар ечими ҳам хонанинг нурафшон муҳити ва кўзни қувонтирадиган рангларига мос келган.

Хуллас, «Санойи нафиса»нинг темурийлар тарихи давлат музейига ишланган асари Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотига муносиб номзоддир.

Абдулҳай УМАРОВ

МАҚОМ АЛЛОМАСИ

Устоз Исҳоқ Ражабовни хотирлаб

Мусиқа саводи билан нота саводини фарқлай олмайдиганлар, онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Чунончи, Овруپа мусиқий ёзув тизимини ўзлаштиришнинг ўзи бир пайтлар ҳал этувчи мезон деб қаралгани сир эмас. Замона зайли ила аждодларимиз томонидан араб, форс, туркий тилларда битилган мусиқий-назарий рисолалар қўлланишдан четлаштирилиб, эскирган тарихий ҳужжатлар қаторидан жой олди. Оқибатда миллий мусиқачиларнинг бир неча янги авлодлари халқ мусиқаси ҳамда мушоҳадалардан баҳраманд бўла олмадилар. 1920-йилларда эски ўзбек алифбосида чоп этилган Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода, Абдурауф Фитратнинг мумтоз мусиқа меросимизга доир илмий изланишлари узоқ вақт ўз давомчиларини кутиб қолган эди. Устозона мусиқий анъаналар ўзининг доимий ҳамроҳи бўлмиш махсус назарий тафаккурга эҳтиёж сезарди...

«Тортар юкнинг марди бор», деганларидек, Ражабийлар сулоласининг иккинчи авлод вакили, машҳур танбурчи Риски отанинг суюкли фарзанди Исҳоқ Ражабов ўзбек мусиқашунослиги олдида турган энг муҳим вазифаларни бажаришга астойдил бел боғлади. У Тошкентда шарқшунос ихтисослигини эгаллаган бўлишига қарамай, Ўрта Осиёда яратилган мусиқий рисолалар бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Табиийки, ёзма манбалардан тўла воқиф бўлган олимнинг қизиқишлари мақом тарихи ва назариясига боғланди.

Иқтидорли тадқиқотчининг кўп йиллик машаққатли изланишлари самараси 1963 йилда нашр этилган «Мақомлар масаласига доир» китобида акс этди. Дарҳақиқат, ушбу тадқиқот туфайли мақомшунослик фани қаддини ростлаб олди, мавҳумлигича қолиб келаётган бир қатор муаммолар ечимини топди. Кези келганда шулардан фақатгина иккитасини эслаб ўтайлик.

«Шарқда нота ёзувчи бўлмаган, мусиқа асрлар оша ёлғиз оғзаки ҳолда ривож топган», деган камситувчи гаплар авж олган пайтлар эди. И. Ражабов ушбу масалага «Шарқ нота ёзуви ҳақида» номли махсус боб ажратди. У Форобий, Ибн Сино, Урмавий ва бошқаларнинг қўлёзмаларидан зарбусулларни ажратиб, «тан-тананан»ларни «бак-бака-бум»ларга қиёслади, доирача ҳамда махсус жадвал шакллардаги ҳарф-нуқталарни ҳозирда тушунарли нота воситаларига кўчирди, бир неча қадимий куй матнларини шу тарика ўқувчиларга тортиқ қилди.

Мақом ижодиётини муфассал билган зукко олим авж масаласига ойдинлик киритиш истагида Шашмақом таркибидаги барча чолғу ва ашула асарларни чуқур таҳлил этиб, сирли муаммонинг ечимини топишга муваффақ бўлади. Муаллиф сермаъно «авж» ибораси ёнига топилган кучирма куйларнинг ифодаси сифатида «намуд» атамасини илк бор жорий этиб, мақомотнинг энг муҳим шакллантирувчи қонуниятларидан бирини очишга муяссар бўлди. Шарқона мусиқа илмида бу чиндан ҳам кашфиёт даражасидаги катта воқеа эди.

1960-йиллардан кейинги бу соҳадаги деярли барча илмий ишлар Исҳоқ Ражабов тадқиқотларига асосланган ҳолда олиб борилди, десак, янглишмаймиз. Хусусан, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, мақом турларининг қиёсий ўрганилиши, шунингдек Шарқ халқларининг илмий-назарий-эстетик мероси масалалари юзасидан Узбекистон, Тожикистон, Озарбойжон ва бошқа узоқ-яқин ўлкаларда амалга оширилган изланишлар бундан ёрқин далолат беради.

Исҳоқ Ражабовни маълум маънода қомусчи олим дейиш мумкин. Зеро, у киши тегишли масалаларга нафақат мусиқашунос, балки адабиётчи, тилшунос, тарихчи-шарқшунос, ижрочи сифатида ҳам ёндоша олган. Узбекистон радиоси учун мақомларга бағишланган 20 дан ортиқ махсус эшитиришларни тайёрлашда айнан шу фазилати қўл келди. Устоз Тошкент консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедрасида профессорлик қилиб юрган кезлари Мақом асослари фанини ўқув жараёнига киритган эди. Талабаларга қулайлик яратиш мақсадида тайёрланган маърузалар матни ўқув қўлланмаси сифатида 1992 йили чоп этилган. Эндиликда ундан фойдаланаётганлар сафи анча кенгайди.

Табиатан ҳушфеъл, содда, камтарин, бировга зинҳор озор бермайдиган мақомшунос аллома ҳаёт бўлганида бу йил 70 баҳорни қаршилар эди. У киши қолдирган нодир илмий мерос миллий маданиятимиз истиқболи учун ҳамон беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Равшан ЮНУСОВ,
мусиқашунос

ЁДНОМА

«БИР БОЛА БОР, ОТИ АЛИШЕР»

(Ўзбекистон халқ шоираси, устоз Зулфиянинг бир шеъри тарихи)

Фарғона шаҳрида сўлим тонг чоғи табиатнинг гўзал сеҳридан баҳра олиб, мухбирлик юмушини адо этиш йўлида бир идора томон борардим. Рўпарамдан келаётган узун бўйли, елкадор, кўз ойнак таққан, истарали йигитни кўриб тўхтаб қолдим. Устоз Зулфия опанинг уйларида бир неча бор кўрганим Алишер-ку! Алланечук ғуруриф тихор, меҳр билан унинг исмини тилга оларди, Зулфия опа. «Кеча Алишер келди! — дердилар бизга ишхонада ҳаяжондан энтикиб. Назаримда Алишер Зулфия опага Фарғонанинг мусаффо ҳаволарини, фарғоналиқларнинг меҳр-оқибатию тиниқ табассумларини, ҳароратли саломларини олиб келиб ҳадя қилгандек... Ҳа, рашким қўзғаб Алишернинг ўрнида бўлиб қолгим, устозга Алишердек севинч, ҳаяжон бахш этолгим келарди...

Алишер билан қўл узатиб кўришаяпману гўё ёнгинамда Зулфия опа ширин жилмайиб, қараб тургандек бўлди. Ҳа, худди шундай бўлди. Шу чоғ устоз суҳбатига ташна юрагим яйраб, энтикиб, яна зирқираб бошим айланди. Икковимизнинг ҳам кўзларимиз жиққа ёш, саломдан кейинги каломимиз Зулфия опа ҳақида кечди.

Ишга ошиқиб бораётган йигит рўпарамдан жилмаса, устоз ҳақида, унинг ўзигагина хос бўлган ноёб фазилатлари ҳақида узоқ-узоқ суҳбатлашсам, дердим. Ҳолатимни сездими, (йўқ, фарғоналиклар асли меҳмондўст) у манзили ёзилган бир парча қоғозни узатиб, хушнуд жилмайди. «Манзурахон икковимиз сизни уйда кутамиз. Кечки пайт келинг, албатта!» — деди.

Шу куни кечгача мен учиб юрдим. Устоз ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашиш, устозни кўрган кўзлар нуридан баҳра олиш севинчидан учиб юрдим. Хаёлимда эса ҳамишадагидек шоира сатрлари...

Мен тонгни севаман,
Тонгдаги ўйлар
Мени одамларга кетади бошлаб,
Яратишга тўла мен тушар йўллар...

* * *

1965 йил ёзда Зулфия янги шеърий гулдаста тузиш, дам олиш ниятида, Фарғона вилоятининг сўлим Водил қишлоғида, Усмон Юсупов номли боғда яшаб, ижод қилди. Севимли шоиранинг шу ердалигидан хабар топган қишлоқ аёллари, шоира қизлар минг бир ҳаяжону истихола билан қўлларида гуллар, тандирда ёпилган нонлар, саватда луччак шафтолилар билан йўқлаб келишарди. Табиатан одамижон, дилбар шоира қалам-қоғозга танаффус бериб, аёлларни қучоқ очиб кутиб олар, улар билан юракдан суҳбатлашарди. Илтимосларига биноан ҳали сиёҳи қуримаган шеърларидан ўқиб берарди:

Ёз қўйнида чоққина қишлоқ,
Ором кафтида гузар.
Хиёл ҳорган мен ўлтирмаёқ,
Бир чол яхна чой тутар.

Ота, яхна босмади ташнам
Сеҳрли эмасми, сув?
Ланж, мудроқдан суғуриб танам
Жонга солди минг ғулу?

Шоиранинг латиф овозидан, сўзлар сеҳридан юраклар жимир-жимир қилади. Шеър сатрлари томирларда жўшган қонга қўшилиб-қўшилиб оқади. Мухлислар шоиранинг ҳуснига, сузик кўзларига, лутфу карамига ошуфта бўладилар. Паришталардек енгил сезадилар ўзларини. Кейин шоира дастхат битиб ҳадя қилган китобни бағриларига босиб, кўнгиллари тоғ қадар юксалиб, уйларига, ишларига кетардилар.

Ана шу аёлларнинг бири — оддийгина кутубхоначи Саодат опа — аллақачон Зулфия асарларини ўқиб туширган, кўп шеърларини ёд биладиган, нозик таъб, сулув аёл — бошқалардан кўпроқ келарди шоира ҳузурига, бошқалардан кўпроқ оларди шоира суҳбатларини. Бир куни Саодатхоним майин жилмайиб, ширин бир дардини тўкиб солди:

— Суҳбатдошларингиз нуқул қизлар, аёллар, опажон. Агар менинг ўғлим Алишер келса... У шеъриятга, расмлар чизишга жуда ўч. Ёзганларини, чизганларини сизга бир кўрсатса, майлими?

— Бош устига, Саодатхон, келсин ўғлингиз, — деди шоира одатига кўра очиқ кўнгиллик билан.

Қоп-қора чақноқ кўзлари кулиб турадиган, лаблари узра мўйлаби эндигина сабза урган, оппоқ юзлари, кенг пешоналари нурли йигитча эди Алишер. Шоира бу ширин болани бағрига босиб, «Ўғлим Омонга жуда ўхшаркансан, камолга ет!» деб эркалади. Ёнига ўтқазиб унинг ўқишларини сўради. Чизган расмларини узоқ, синчковлик билан томоша қилди.

— «Водил манзараси»ни анчагина жонли чизибсан. Алишер, — деди Зулфия опа. — Шу расмни Москвага, болаларнинг «Костёр» журналига юбор!

Алишер шу кунги суҳбатдан ўзида йўқ севиниб, фикри ўсиб, бир қадар юксалиб, уйига қайтгач, шоиранинг айтганини қилди.

Қаранг-ки, кўп ўтмай, «Водил манзараси» «Костёр» журналининг биринчи муқовасида босилиб чиқди ва ёш рассомнинг «Артек»ка йўлланма билан мукофотлангани ҳақида ҳам эълон қилинди.

Дадасидан жуда эрта етим қолган, оддий меҳнаткаш оила фарзанди учун, қишлоқ аёли Саодат опа учун бу кутилмаган қувонч бўлди. Алишер болалар оромгоҳида дам олиб қайтди. Бу ҳақда Зулфия аясига севинчли мактублар ёзди. (Фарғонада ўз туққан онасини буви, бошқа яқинларини ая деб аташади).

Болакайнинг ютуғидан бир олам ҳиссиётларга тўлиб-тошган, ғўзалликдан, беғуборликдан беҳад завқлана оладиган шоира Алишерга атаб шеър ёзди: «Бир бола бор, оти Алишер».

Гўзал Фарғонада, сўлим қишлоқда
Шинам бир ҳовлида яшар Алишер.
Ўқийди, гоҳ колхоз, гоҳ ҳовли, боғда
Жондан кўмаклашиб ишлар худди шер.

Ва шеърнинг давомида шоира Алишернинг касб танлаш борасидаги ранго-ранг орзуларини, иқлимда тенги йўқ гўзал қишлоғи, сахий далалари, тоғларини, олма, узум узган қизлару кўкда ёнган юлдузлар расмини чизганини, «Артек»ка борган рубоби, у ерда болакай топган дўстларини ва ниҳоят олга интилишдан толмаган инсон орзусига етиши муқаррарлигини... қаламга олади. Бу шеър шоиранинг «Ўйлар» китобида Водилда ёзилган ўнлаб шеърлари қаторида нашр этилди. Китобни бағрига босиб, энтикиб кетган кутубхоначи Саодат опа Алишер билан Тошкентга отланади. Шу-шу Тошкент билан Водил орасидаги масофа бир неча юз баробар қисқариб, булар худди туғишганлардек яқин бўлиб кетишади...

СУРАТДА: Зулфия ижодкор дўстлари Р. ҲАМЗАТОВ, М. ДУДИН ва Қ. ҚУЛИЕВ билан

Алишернинг шинам, камтарин хонадонида унинг рафиқаси Манзурахон уччовимиз фақат Зулфия опа ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмизу назаримда яна устоз ёнимизда, яна мен унинг меҳрибон, ўйчан кўзларини кўриб тургандек энтикиб-энтикиб, шоирамизни ҳам суҳбатга чорлагим, мунис, латиф овозларини ақалли яна бир марта тинглагим келарди. Алишер эса жовондан Зулфия она тақдим этган китобларни, сувратларни авайлабгина олиб, худди кафтида офтоб тутгандек менга узатар, гоҳ қўшни хонада дарс тайёрлаётган ўғилларидан хабар олар, гоҳ соғинч ҳиссига тўлиқ ҳикоясини давом эттирарди.

— Қачон ўша табаррук хонадонга кириб борсам аям... энг тушкун кайфиятда бўлган чоғларида ҳам, ё ижод дардида ёнган пайтларида ҳам кўзлари чарақлаб, суюниб, соғиниб кутиб олардилар.

Соғлиғим, ўқишим ҳақидаги гап аям учун жуда муҳим эди. Ҳа, аям бир умр мени кузатиб, тергаб, йўлимни топиб олишимга ёрдам бердилар. Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентга келганимда машҳур рассом Чингиз Аҳмаров ҳузурига бошлаб бордилар. Чингиз ака чизган расмларимни обдон кўздан кечириб, ўртача рассом бўлишим мумкинлигини айтди.

«Ўртача рассом бўлгандан кўра, яхши тарихчи бўлиб етишсанг, кўпроқ фойда келтирасан, ўғлим!» — дедилар аям. Ва мен жуда қаттиқ тайёргарликдан сўнг университетга ўқишга кирдим.

Студентлик пайтимда аям «тез-тез келиб тур, Алишер, сенинг шу уйда ризқинг бор, сира тортинма!» деб тайинлардилар. Шунинг учунми, бу хонадонга худди ўз уйимдек кириб келардим ва аямнинг, Ҳулкар опам, Омон акамнинг меҳридан, суҳбатларидан фикрим, ўйим, кўнглим ўсиб, юксалиб, ётоқхонага қайтардим.

Пахта теримига ёрдамга кетганимизда орқамдан сархил озиқ-овқатлар солинган ғуҳфани бот-бот жўнатганларини унута олмайман. Ўшанда уйимнинг, бувижонимнинг узоқдалиги сезилмаган. Ҳулкар опам, Омон акам худди ўз опамдек, акамдек хабар олишиб, меҳрибончиликлар қилишган, маслаҳатларини, ёрдамларини аяшмаган. Ҳозир ҳам шундай...

Алишер ҳаяжонини яшириш учунми, чойни янгилаш баҳонасида ошхонага ўтади. Манзурахон хуш табассум билан кириб-чиқиб такаллуф кўрсатади. Гоҳо суҳбатга қўшилади.

— Аямлар нуқул «Келинниям олиб кел, Алишер!» деб тайинлаганларидан сўнг мениям олиб борганлар Тошкентга. Аямнинг салобатлари босиб, бир оғиз гапиролмай қолганларим ёдимда. Шундай меҳрибон эдилар-ки... Шеърларини эса болалигимдан севиб ўқирдим...

Нозикдан келган, саришта уй тутишидан аҳил оила ҳавосини ярата олган Манзурахон камгап, камтар экан. Эр-хотин икковлари ошхонада куйманишар экан, мен Зулфия опа дастхатини ташналик билан ўқийман. Таниш, қадрдон ёзувларини, имзоларини силаб-сийпалаб, кўзимга суртаман.

«Алишержон!

Табиат сенга берган гўзалликдан зиёд сифатлар бор. Ҳалоллик, инсофлилик, олижаноблик. Онадан тортиб, барча эзгулик ва гўзаллик олдида тиз чўкмоқ, унинг қадрига етмоқ. Бу сени яна ҳам безайди. Камолат деб аталадиган чўққига меҳнат билан бир қаторда кўтаради.

Бахтли тақдир ва узоқ умрли бўл, ўғлим.

Зулфия.
12.IV.1976 йил»

Устоз дуоси, устоз башорати вожиб бўлди. Алишер Юнусов университетни имтиёзли диплом билан тугаллади, аспирантурада ўқиди, изланди, диссертация ҳимоя қилди. Ҳозир у Фарғона Давлат университетида халқаро иқтисодий алоқалар кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент. Обрўли муаллим. Манзурахон фалсафа фанлари номзоди. Фарғона Политехника институти ўқитувчиси. Шамшод, Зиёд, Бунёд, Сайёд исмли ўғиллари бор.

Қаранг-ки, тортинчоқ, камтар Алишер бу қутлуғ хонадонга келган меҳмонлар қаторида Зулфия опа билан бор-йўғи бир марта сувратга тушган экан. Ўша ягона суврат орқасида шундай ёзувлар бор:

«Алишержон, менинг ўғлим, қадрдоним. Сени Водилдай беҳиштда мен билан таништирган онларга ташаккурлар бўлсин. Бир ўсмирнинг кўзим, ўйларим, сўзларим олдида яхши бир инсон, одобу ахлоқнинг ёркин ифодаси, ақлу идрокнинг нурли, шуурли фарзанди бўлиб етишган инсонга — бугун табаррук ёшимда сенга ушбу сувратни беш йил ўтиб, топшираётганимдан шодман. Неча-неча йиллар эрта баҳорнинг илк кунида қаерда бўлсанг-да, ҳаммадан олдин келиб, мени йўқловларингдан она каби ифтихордаман. Сени дунёга келтирган отаонанг руҳига раҳматлар ёғилсин.

Зулфия аянг.
1 март 1995 йил»

Чуқур маънолларга тўлиқ, ҳар бири самимий, рост сўзларни қайта-қайта ўқийман. Ҳа, баҳорнинг илк куни — 1 март устознинг таваллуд кунлари.

Алишер қаерда бўлса ҳам шу куни бир қучоқ гул билан Тошкентга етиб келарди, деярлик ўттиз йил шундай кечди. Ҳарбий хизматни ўтаган пайтида Германиядан сим қоқиб табриклади. Аясининг овозини кўнглидагидай эшитолмади. Иккинчи йили у атай хизмат сафари билан Москвага келди ва Тошкентга сим қоқди. «Аям Москвадалар, — деди Ҳулкар опа Алишер билан ҳолаҳвол сўрашгач, — тинчлик-саварлар конгрессида иштирок этаяптилар».

Алишер севиниб кетди. Меҳмонхона номини сўраб олди-ю, топиб боргач, лифтни ҳам кутмай, тўққизинчи қаватга учиб чиқди.

— Тушимми, ўнгимми?! — эшикни очган Зулфия опа ҳарбий кийимдаги басавлат йигитни кўриб шошиб қолди. — Бормисан, Алишер!

Ўша дақиқаларда шоирани Марказий телевидениега таклиф қилишган ва у мажлисдан қайтиб, эндигина ўша ерга отланиб турган экан. Дарҳол сим қоқишга киришди. «Германиядан ўғлим келди. Интервю бериш учун бора олмайман. Узр!»

— Ўшанда аям мени биринчи қаватдаги ресторанга таклиф қилдилар, — дейди Алишер, — билмадим, неча соат суҳбатлашиб ўтирдик. Икковимизнинг ҳам гапларимиз, қувончташвишларимиз йиғилиб қолган эди. Юракларимизни бўшатиб, қушдек енгил тортдик. Ва мен кечки поездда изимга қайтдим. Ўша 1973 йилнинг 1 март куни мен учун энг бахтиёр кунларимдан бири бўлиб қолди...

Алишер ўша дамларни соғинч билан қўмсайди. Лекин энди қайтиб келмайди у ширин, унутилмас чоғлар. У баланд руҳда ҳикоясини давом эттиради.

— Мен бахтлиман, опажон, — дейди майин жилмайиб, — шундай ажойиб, бетакрор инсон билан онабола тутиндик. Кўп меҳрларини кўрдим. Тузларини ичдим. Йўл-йўриқлари билан ҳаётда ўрнимни топиб олдим. Инсонийлигимни танидим. Гарчи у табаррук хонадонга ташриф буюрган не-не буюк зотлар олдида мен бир заррадек бўлсамда, аям мени улар қатори кўрарди. Ардоқларди. Жим бўлиб кетсам, йўқларди. Эҳ-ҳе, аям умри давомида қанча одамларга бағрини очди, яхшилик қилди. Қанча шогирдларга вақтини, умрини, шеърият ҳақидаги қиммати сабоқларини бағишлади. Бу хонадонда мен жаҳондаги буюк адибларни кўришга, нафасларини яқиндан туйишга мушарраф бўлдим.

Ҳа, аяжоним ҳамма учун — мен учун, сиз учун, халқимиз учун яшаб, ижод қилдилар. Ва ҳаммани севишга ўзларида буюк кучқудрат топа олдилар ва бу ҳақда шундай ёздилар:

Ўзинг ташна этдинг,
ўзинг сув тутдинг
Қалбимдаги саҳром,
дарёмсан, халқим.
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган
дунёмсан, халқим!

Санъат МАҲМУДОВА

ЁДНОМА

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш, одамларда она-Ватанга, истиқлол ғояларига, миллий қадриятларга садоқат туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил ижод қилаётган матбуотимиз фидойиларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили, **«Йилнинг энг яхши журналисти»** танловини ўтказади.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани, дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш лозимлиги муносабати билан бу йилги танловда халқимизнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинлиги тўла таъмин этилиши борасида қилинаётган ибратли ишлар ҳақида ёзилган мақолаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Танловда республика, вилоят, шаҳар ва туман газеталари, журналистлар, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио журналистлари, жамоатчи мухбирлар қатнашишлари мумкин.

Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

— ижтимоий-сиёсий;
— иқтисодий;
— маънавий-маърифий;
— Ўзбекистон ва халқаро ҳаёт.

«Йилнинг энг яхши журналисти» танловига июн ойида якун ясалади.

Танловга номзодлар таҳририятлар, жамоат ва давлат идоралари томонидан тавсия этилади.

Ғолиблар мавзу йўналишлари бўйича қуйидаги тартибда тақдирланади.

1. Биринчи мукофот (тўртта) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида.

2. Иккинчи мукофот (саккизта) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида.

3. Учинчи мукофот (ўн иккита) — ҳар бири энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида.

Танловга тавсия этилган ижодий ишлар икки нусхада, таҳририят тавсияси билан 10 майга қадар қуйидаги манзилга юборилиши керак: **700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.** Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Фонди. «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ҳайъатига.

Тақдим этилган ишлар 10 июнгача кўриб чиқилади, ғолиблар 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни эълон қилинади.

«ИСТИҚЛОЛ: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ҚАҲРАМОН» КЎРИК ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Президентимизнинг матбуотни янада фаоллаштириш, журналистлар ижодини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги кўрсатмаларига жавобан ва мустақиллигимизнинг 6 йиллигига бағишлаб «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» мавзуида кўрик-танлов эълон қилади. Кўрик-танлов ёзувчи ва журналистларни, ижодкор зиёлиларни Ватанимиз мустақиллиги учун курашган, қаҳрамонларимиз, уларнинг беқиёс жасоратларини, мамлакатимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган фидойи замондошларимизнинг орзу-ўйлари, интилишларини ёркин акс эттирувчи асарлар яратишга даъват этади. Мустақиллик туфайли ўз ўрнини топаётган эзгу қадриятларимиз, муқаддас урф-одатларимиз, миллий ўзлигимиз ҳақида қимматли маълумотлар берувчи, ёшларни истиқлолимизга садоқат, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, мардлик ва ҳалоллиқ руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бадиий баркамол қисса ва романлар, ўткир, долзарб публицистик мақола ва очеркларни танлаб китоб ҳолида чоп этиш кўрик - танловнинг асосий мақсадидир.

КЎРИК — ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ:

Тавсия этилган асарлар 1997 йилнинг 1 январидан 1 августигача вақтли матбуотда чоп этилган бўлиши керак. Илгари тўпламларда ёки, китоб ҳолида нашр этилган асарлар кўрик-танловга қабул қилинмайди.

Тақдим этилган асарлар босма ёзувда 2 нусхада кўчирилган бўлиши лозим;

Тақдим этилган қўлёзмаларни танлаш, муҳокама этиш, ғолибларни аниқлаш кўрик-танлов хайъати зиммасига юклатилади;

Кўрик-танлов анъанавий бўлиб, кўрик-танлов ўтказувчи ҳайъат таркибига, мукофот пули миқдорига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

КЎРИК — ТАНЛОВ ЯКУНИ:

«Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танлови ғолиблари ҳар йили мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Кўрик-танловда ғолиб чиққан муаллифлар Давлат матбуот қўмитасининг ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР:

— Газета ва журналларда эълон қилинган энг яхши публицистик мақолалар ва очерклар учун 3 та мукофот:

1-мукофот — 30 минг сўм.
2-мукофот — 20 минг сўм.
3-мукофот — 10 минг сўм.

Радио ва телевидениедаги энг яхши эшиттириш ва кўрсатувлар учун 2 та мукофот:

1-мукофот — 30 минг сўм.
2-мукофот — 20 минг сўм.

Энг яхши роман ва қиссалар учун 2 та мукофот:

1-мукофот — 50 минг сўм.
2-мукофот — 30 минг сўм.

Қўлёзмалар ҳар йилнинг 1 августигача Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига топширилиши лозим. Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, 28-хона. Тел: 44-24-79.

Ғолиб асарлар тўплам ҳолида чоп этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёти жамғармаси уюшма аъзоси

Абдумажид ШОМИРЗАЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дуст-биродарларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиет жамғармаси ёзувчи

Сергей Александрович БРЫНСКИХ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дуст-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ЎЗБЕКИСТОН ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА
«СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН»

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Рустам МУСУРМОНОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0132. Ҳажми — 3 босма табоқ Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593.

1 2 3 4 5 6